



Qonunchilik va huquq-tartibot uchun!

# POSTDA

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2005 йил 20 октябрь, пайшанба • 42 (3623)-сон

*Хоразм вилояти ички ишлар тизимида хизмат самарадорлигини ошириш учун отлардан кенг фойдаланилган. Айни кунларда Урганч шаҳар кўчаларида хизмат бурчини бажариб юрган отлиқ ходимларни кўплаб учратиш мумкин. Улар минтақа аҳолиси хавфсизлигини, тинчлик-осойишталигини таъминлашда муносиб ҳисса қўшишмоқда.*



## «БОЙЧИБОР»ЛИ ПОСБОНЛАР

### АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Бирлашган таҳририяти «ПОСТДА» – «НА ПОСТУ» газеталари ҳамда «QALQON» – «ЩИТ» журналларига 2006 йилнинг биринчи ярми учун обуна давом этмоқда.

Жиноят кидирув хизмати воқеалари, терговчи ён дафтарида, криминал воқеалар, суд очеркларига кизиксангиз, нашларимизга обуна бўлинг. Газета-журналлар саҳифаларида мамлакатимиз ҳамда дунё янгиликлари, теледастурлар, мунажжимлар баъшорати ва бошқа хабарлар мунтазам бериб борилади. «Сиз кутган учрашув», «Бевосита мулоқот», кроссворд, сканвордлар, «Саломатлик», «Спорт», «Нихол», «Болалар», «Долзарб мавзу»

каби ранг-баранг мавзуларда тайёрланган саҳифалар сизни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

Ички ишлар тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, дунёда содир бўлаётган оламшумул янгиликлардан ўз вақтида бохабар бўлишни истасангиз, газета ва журналларимизга обуна бўлишга шошилинг.

#### ИНДЕКСЛАРИМИЗ:

«Постда» – 180 (366) «На посту» – 169 (367)  
«Qalqon» – 970 (1083) «Щит» – 971 (1084)



#### УШБУ СОНДА:

ТАБИАТ – ОНАМИЗ! **7**

ЎЛИМ ЖАЗОСИ: РАҚАМЛАР ВА ФАКТЛАР **8**

УЛАР БАХТЛИ ЭДИЛАР **15**

«ТОҒАМНИ ЙИФЛАТГАН САВОЛ» **16**

«СИНГЛИМ ЯШАШИ КЕРАК!» **21**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳамда Қонунчилик палатасининг қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмиталари томонидан шу йил 14 октябрь кунини давра суҳбати ташкил этилди. Суҳбат «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ҳатти-ҳаракатлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонунлар асосида фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш амалиёти мавзусига бағишланди.**  
Тадбир қатнашчилари «БМТнинг Қийноқларга со-

## ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

лишга ҳамда муомаллада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шифқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши Конвенцияси талабларининг бажарилиши», «Фуқаролар мурожаатларини ҳал этишда Омбудсман томонидан қонунлар ва халқаро ҳужжатларни қўллаш амалиёти», «Судларда ишларни «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-

ҳаракатлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонун асосида кўриш тартиби», «Прокуратура органларининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунга риоя этиш борасидаги фаолияти» каби мавзуларда маърузалар тингланди.  
Мунозараларда сенаторлар, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ходимлари иш-

тирок этишди. Фикр алмашинув чоғида фуқароларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг масъулиятини кучайтириш, дастлабки тергов пайтида адвокатнинг ролини ошириш, шунингдек, фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунларни такомиллаштириш бўйича тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Давра суҳбатида сенаторлар, депутатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг, вазирликларнинг вакиллари, етакчи ҳуқуқшунос олимлар қатнашдилар.

М. ТИЛЛАЕВ.

## ТИЛ – МИЛЛАТ РАМЗИ

**Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармасида «Давлат тилининг миллат ривожига аҳамияти» мавзусида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг етакчи мутахассиси, шоира Зулфия Мўминова, ИИВ хотин-қизлар кенгаши аъзоси, капитан Бернора Содиқова, тарих фанлари номзоди, доцент Абдусаммад Зоҳировлар иштирок этдилар. Даставвал сўз олган тарихчи олим Абдусаммад Зоҳиров миллий тил – миллатнинг бирлашганлик рамзи, унинг шон-шухрати, фахри ва муҳаббати, қолаверса, миллий тил – шу миллатнинг обрў-эътибори ва мавқеини ифода қилувчи белги эканлигини айтиб ўтди. Шу билан бир қаторда нотиж ўтган вақт давомида ўзбек тилида иш юртишни такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталиб, айрим жойларда она тилимизда, айниқса, лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосида ёзишда кўпгина жузъий камчилик ва нуқсонлар кўзга ташланиб қолаётганлиги, бу эса тилимизга бўлган эътиборимизни янада оширишимиз зарурлигини таъкидлади. Зеро, республикаимиз Президентини И. Каримов айтганларидек: «Тилшунослик соҳасидаги илмий излашлар, авваломбор, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ва унинг қўлланиш соҳасининг анча кенгайтирилгани, халқаро муносабатларда ишлатиладиган тиллар қаторига киритилиши кейинги йилларнинг бу борадаги улкан ютуғидир».**

– Шундай экан, она тилимиз тақдири, унинг эртаси учун барчамиз масъулмиз, – деди шоира Зулфия Мўминова ва ўзбек тилини улуғлаш, келажак авлодга етказишда аёлларимизнинг ўрни бениҳоя катта эканлигини уқтирди. Сўнги сўз ўрнида шоира йиғилганларга Ватан, она тилимизга бағишлаган шеърларидан намуналар ўқиб берди.

Б. ЭРҒАШЕВ,  
лейтенант.

**Республика ИИВ Академиясида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзолари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг депутатлари, Республика Бош прокуратураси қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази ўқитувчилари, Республика ИИВ тегишли хизматларининг масъул ходимлари, ИИВ Академияси профессор-ўқитувчилари, адъюнк ва докторантлар, Олий академик курс тингловчилари, Тошкент шаҳар ИИББ ходимлари иштирок этдилар.**

## ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Давра суҳбати чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан тайёрланган «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги ҳамда «Оператив қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунлари лойиҳаси муҳокамаси доирасида ИИВ Академияси бошлиғининг биринчи ўринбосари, полковник, юридик фанлари доктори, профессор Ю.Пўлатов «Ички ишлар органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш», Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси, юридик фанлари номзоди, доцент С. Аҳмедова «Тезкор қидирув фаолияти ўз қонунини кутмоқда» мавзуларида маъруза қилишди.

Шундан сўнг юридик фанлари доктори, профессор З. Зарипов, юридик фанлари доктори, профессор Р. Қобулов, юридик фанлари номзоди, доцент Б. Зокиров, юридик фанлари номзоди, доцент Т. Саитбаев ва бошқалар ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Сўзга чиққанлар мазкур қонун лойиҳаларининг ҳар бир моддаси бўйича, амалиёт эҳтиёжи ҳамда бошқа амалдаги қонунларга, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат, Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларининг талабларидан келиб чиққан ҳолда фикр юритишди. Шунингдек, иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси «Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳам қабул қилиш лозимлиги хусусида таклифлар билдиришди.

А. ХОЛОВ,  
лейтенант.

## БИЛИМ ДАРҒОҲИ 15 ЁШДА

**Республика Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий-техник билим юрти ташкил этилганига 15 йил тўлди. Шу муносабат билан илмгоҳда тантанали маросим бўлиб ўтди.**

Билим юрти бошлиғи, генерал-майор Шухрат Ниёзов тадбирни очар экан, йиғилганларни айём билан кизгин муборакбод этди ҳамда республика Ички ишлар вазири, генерал-полковник З. Алматовнинг билим юрти шахсий таркибига йўлланган табригини ўқиб эшиттирди. Шундан сўнг билим юрти бошлиғининг ўринбосари, полковник И. Эгамбердиев ўтган давр ичида илмгоҳда амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар ҳақида маъруза қилди.

– Дикқатга сазовор томони, қисқа вақт мобайнида бу ерда уч мингдан ортиқ турли мутахассисликлар бўйича ёш офицерлар тайёрланди, – деди нотиж ўз нутқида. – Бугунги кунда улар нафақат Ички ишлар вазирлиги тизимида, балки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш

идоралари, вазирликлар ва қўмиталарда шараф билан хизмат қилишмоқда. Айни пайтда билим юрти шахсий таркиби ҳукуратимизнинг кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш борасидаги қарор ва кўрсатмаларини бажариш учун бор куч-ғайратини аямапти.

Тадбирда билим юрти тарбиявий ишлар кафедраси бошлиғи, подполковник Андрей Буличёв, тиллар тайёргарлиги кафедраси ўқитувчиси Роза Бекжановалар сўзга чиқиб, илм ўчоғида амалга оширилган ва оширилаётган ишлар хусусида гапирдилар. Байрам муносабати билан бир гуруҳ устозлар ҳамда ходимлар билим юрти Фахрий ёрлиғи, пул мукофоти ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Абду КЕНЖАЕВ.



Суратда: тантанадан лавҳа.

Муаллиф олган сурат.

«ҚОРАДОРИ – 2005»

# ЗАҲАР-ЗАҚҶУМ БАНДАЛАРИ

**Аср вабоси деб аталган гиёҳвандлик иллатига қарши бутун дунёда мурасимсиз кураш олиб борилмоқда. Жумладан, республика ички ишлар идоралари ходимлари мамлакатимиз ҳудудида «Қорадори – 2005» тадбирини ўтказмоқдалар.**

Куни кеча Тошкент шаҳрида Тожикистон Республикаси фуқароси М. Абдуҳаким У. Ўткир, Т. Зоир ва Х. Рўзибойлар билан ўзаро тил бириктириб, 3 килограммдан ортиқ героинни 36 минг АҚШ долларига сотаётганда республика ИИВ ЖК ва ТҚКББ наркотик моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши кураш бошқар-

маси ходимлари томонидан қўлга олиндилар.

– Мен 3 килограммдан ортиқ героин гиёҳвандлик моддасини Тожикистондан айланма йўллар орқали шерикларим билан олиб келдим. Тошкентда сотмоқчи бўлганимизда ички ишлар ходимлари ушлаб олишди, – дейди тожикистонлик оғуфруш М. Абдуҳаким.

Хоразм вилояти ИИБ ходим-

лари ўтказган тадбирлар давомида эса Тожикистоннинг Зафаробод шаҳрида яшовчи Маҳмуд бир килограмм героин ва ярим килограмм қорадорини тўққиз минг АҚШ долларига, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролари М. Дилором ва С. Ибодулалар биргалликда бир килограммга яқин опий гиёҳвандлик моддасини етти минг АҚШ долларига, Тожикистон фуқароси Х. Муҳаммадқодир бир килограмм 460 граммдан ортиқ героин ва 480 грамм опийни 9 минг АҚШ долларига сотаётган вақтда ашёвий далиллар билан қўлга олиндилар.

Ходимлар тунда «Хайрободин пахта тозалаш» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти ва унга

қарашли пахта қабул қилиш пунктида ёнғин хавфсизлиги қондаларига қандай риоя этилаётганлигини текшириб қайтаётган эдилар. Йўлда «Ғалаба» ширкат хўжалиги ҳудудида тўхтаб турган «ЗИЛ-133» русумли автомашина уларнинг эътиборини тортди. Ҳайдовчи машинанинг филдиракларини кўздан кечираётган экан. Ходимлар унинг олдида тўхтаб «ёрдам керак эмасми?» деб сўрашди. Хизмат кийимидагиларни кўргач, у бироз саросимага тушади. Худди шу вақтда автомашина юкхонасида нимадир тарақлаб кетади. Ходимлар юкхонада нима борлигини сўраб, уни очишни талаб қилишади. Юкхонада бир фуқаро ўтирар,

олдидаги спортчилар сумкаси ва елим халта шубҳали кўринади. Сергак ходимлар уларда нималар бўлиши мумкинлигини англаб етишади ва эҳтиёт чораларини кўрган ҳолда транспорт воситасини ҳайдовчи ва йўловчиси билан бирга туман ички ишлар бўлимига олиб боришади. Дастлабки суриштирув вақтида ўзаро тил бириктирган Х. Зокир ва М. Шарифлар 60 килограмм 715 граммдан ортиқ героинни республикаимиз ҳудудидан олиб ўтиб, Россияда пулламоқчи бўлишгани ойдинлашди.

Заҳри қотилни етиштираётганлар олинаётган катта миқдордаги фойдадан ажралиб қолмаслик учун ҳар қандай қабиҳликдан қайтмайди. Шунинг учун ҳам республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари томонидан улар йўлга гов қўйилиб, турли фалокатларнинг олди олинмоқда.

Феруза САЪДУЛЛАЕВА,  
майор.



**«Саломатлик — туман бойлик» дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, инсон соғ бўлмаса, унга ҳеч нарса татимайди. На бойлик, на хурсандчилик кўнглига сиғади. Шу боис ҳам саломатлигимиз йўлида тинмай меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларини доимо эъзозлаймиз. Тошкент шаҳар ИИББ поликлиникаси ходимлари тўғрисида ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари доимо илиқ фикрлар билдиришади.**

# Тиббиётимиз фидойилари

— Биз нафақат шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси, балки пойтахтнинг божхона, прокуратура ва суд идоралари ходимлари, шунингдек, уларнинг оила аъзоларига ҳам тиббий хизмат кўрсатамиз, — дейди поликлиника бошлиғи, майор Азиза Мўминова. — Касални даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал. Шунинг учун асосий эътиборни профилак-

тик кўрик сифатини оширишга қаратмоқдамиз. Шахсий таркиб йилига бир марта (махсус муассасалар ходимлари эса йилига икки марта) қатъий тартибда профилактик кўриқдан ўтказилади. Бунда тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ҳам мунтазам равишда ошириб бориш диққат марказимизда турибди. Бунинг учун масканимиз

замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, ходимларимизнинг тажриба ҳамда малакаси эса талаб даражасида. Терапия бўлими бошлиғи, катта лейтенант Кенжабек Исмоилов, жарроҳлик бўлими жарроҳи Шухрат Ҳотамов ва ультратовуш диагностикаси шифокори Раъно Жўраевалар тиббиёт фанлари номзодлари. Онколог-врач Исомиддин Усмонов долзарб мавзудаги илмий иш билан машғул, оталаринголог Феруза Одилова аспирантурада таҳсил олмоқда.

Майор Азиза Мўминова ҳамроҳлигида тиббиёт маскани фаолияти билан танишиб, профилактик кўриқдан ўтаётган ходимларни суҳбатга тортидик.

— Ушбу масканга келсам, шифокорларнинг ҳушмуомалалигидан дилим яйрайди. Профилактик кўриқдан сўнг яхши кайфиятда хизматга қайтиш қандай мароқли-я, — дейди Тошкент шаҳар Миробод туман ИИБ профилактика катта инспектори Баҳодир Эшметов.

— Бу ерда — оила аъзоларимизга ҳам хизмат кўрсатилиши жуда катта имтиёзлардан биридир, — суҳбатга кўшилди Шайхонтохур тумани ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими ходими, майор Кувватилла Бердиёров. — Тиббий маскан доимо

озода. Шифокорлар ҳушмуомала. Бу ерга келганимизда, ҳали ташхис қўйилмай туриб дардларимиз унут бўлай дейди. Тиббиёт бўйича кўпчилик ибрат олса арзийдиган маскан эканлиги бизни қувонтиради, — дейди Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ ходими, капитан Ҳамдам Турсунбоев.

— Мана бу эса 20 ўринли кундузги стационар. Ходимлар хизматдан кейин, хизмати давомида ёки хизматдан озод этилган ҳолда даволанишлари мумкин, — таништиришда давом этади майор А. Мўминова. — Шифокорларимиз нафақат масканимизда балки ходимлар уйларига чақиришса, дарҳол етиб бориб, зарур ёрдам кўрсатишади. Истеъфога чиққан 3 минг нафардан ортиқ пенсионерлар ҳолидан ҳам доимо хабар олиб турамыз. Бунда ходимларимиздан, капитанлар Лола Нурматова ва Лобар Ирматова, жарроҳлик бўлими бошлиғи, катта лейтенант Равшан Баҳромов, профилактика бўлими бошлиғи, катта лейтенант Меҳринисо Муҳамедова, кундузги стационар ҳамшираси Лола Мадалиева ва ҳамширалардан Мухтабар Аҳмеджанова, Динара Ибрагимовалар




нинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Йўл-йўлакай ҳамроҳимизнинг ўзи ҳақидаги маълумотларни ҳам билиб олдик. Унинг тиббиёт соҳасига ҳавас қўйишида ота-онаси сабабчи бўлган. Отаси Рустам ака Фуломов 45 йиллик тажрибага эга бўлган рентгенолог, онаси — Ҳожинисо ая Умарова 35 йил давомида ҳамширалик қилган экан.

— Эришган ютуқларимда устозларим, марҳум, полковник Ҳусан Ҳакимов ва истеъфодаги полковник Суннат Толиповларнинг муносиб улушлари бор. Мен ана шундай инсонлар таълимини олганимдан фахрланаман, — дейди Азиза Мўминова.

Тошкент шаҳар ИИББ поликлиникасида ана шундай фидойи инсонлар бор экан, ушбу тиббий маскан тўғрисида сўз борганда, барча самимий ва илиқ фикрлар билдириши шубҳасиз.

**Мирзараҳим МАМАЖОНОВ.**  
Муаллиф олган суратлар.



## ИНСОН ОМИЛИГА ЭЪТИБОР

**Вақт ўтгани сайин айрим кадриятларнинг қиммати тушади, уларга муносабат ўзгаради. Аммо ҳамиша ўзгармас, ўз аҳамиятини йўқотмайдиган кадриятлар ҳам бор. Меҳр, оқибат, инсонга эътибор ана шундай кадриятларимиздандир. Буни Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти яхши тушунади. Шунинг учун ходимларга гамхўрлик ҳаммиса диққат марказида.**

Вилоят ИИБда хизмат ўтайдиган ходимларнинг муайян қисми туманлардан қатнайди ёки ижарада яшайди. Уларнинг уй-жой таъминотини яхшилаш муҳим ижтимоий масалалардан бири саналади. Буни назарда тутилиб, жорий йилда ходимлардан 25 нафарига 2-3 хонали хонадонлар ажратилди. Улар орасида офицерлар, сержантлар, сафдорлар, турли хизмат вакиллари бор. Кишининг уйи тинч, бола-чақаси ёнида бўлса, вақтида уларнинг иссиқ-совуғидан хабар ола билса, ишида унут бўлади. Узоқнинг иши қийин. Айниқса, ҳуқуқ-тартибот ходимининг хизмат вақти

чегараланмаганини, баъзан алламаҳалгача ишлашига тўғри келишини ҳисобга олсак, бунга яна бир бор амин бўламиз.

— Раҳбар қўл остидагилардан ишни талаб қилсаю, ундан аҳволинг қандай, нима муаммоларинг бор деб сўраб турмаса, бу инсофдан эмас, қолаверса, хизмат самарадорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади, — дейди вилоят ИИБ ШТБХ катта инспектори, майор Асқар Гиёсов. — Шунинг учун бошқармамиз бошлиғи шаҳар, туман ички ишлар идораларига махсус кўрсатма берганлар. Унда раҳбарлар ходимларнинг оилавий шароити, мод-

дий ва маънавий эҳтиёжларидан ҳаммиса боҳабар бўлиб туриши зарурлиги таъкидланган.

Бу ерда осойишталик посбонлари, уларнинг оила аъзолари соғлиқларини муҳофаза қилиш йўлида барча чора-тадбирлар кўриляпти. Вилоят ИИБга қарашли шифохона, поликлиника улар хизматида. Бундан ташқари зарур ҳолларда республика ИИВнинг Самарқанд, Наманган шаҳарларидаги сиҳатгоҳларига йўлланмалар берилади.

Гапни халқимизнинг азалий кадриятларидан бошлаган эдик. Меҳр-мурувват, оқибат ҳақида гапирган эдик. Айниқса, марҳум ходимларнинг оила аъзоларига эътиборда бу кадриятлар ёрқинроқ намоеъ бўлади. Осойишталик посбонининг иши хавфхатарга тўлалгини кўпчилик билади. Лекин хизмат чоғидаги руҳий зўриқишлар, турлича шарт-шароитларда бурчни ўташга тўғри келиши турли касб касалликларини келтириб

чиқаришини, оқибатда баъзи ходимлар ҳаётдан эрта кетишини ҳамма ҳам билмайди. Уларнинг умр йўлдошларига, фарзандларига гамхўрлик қилиш виждон амридир. Жорий ўқув йили бошланиши арафасида бу борада бир савобли иш амалга оширилди — марҳум ходимларнинг болаларига кийим-кечаклар, китоб-дафтарлар, ўқув қуроллари совға қилинди.

Замон талабларидан келиб чиқиб ички ишлар идораларини компютерлаштиришга катта эътибор берилаяпти. Аксар милиция таянч пунктлари ҳам компютерлар билан таъминланган. Чегара ҳудудлардаги аҳоли пункт-ларидан узоқда жойлашган блок-постларда иссиқ овқатлар ташкил этилган, ходимларнинг дам олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Ҳа, ҳар қандай жойда ҳам шахсий таркибга гамхўрлик қилинса, хизмат самарадорлиги ошади.

**Бобомурод ТОШЕВ.**

*Гиёҳвандликнинг инсоният ҳаётига хавф солаётгани ҳеч кимга сир эмас. Унга мубтало бўлган кишилар бир умрга майиб-мажруҳ бўлиб қолмоқдалар. Шунинг учун ҳам бу иллатга асримиз вабоси деб таъриф берилган.*

*Унинг олдини олиш, гиёҳвандлик воситаларининг гайриқонуний айланиши ва истеъмолига қарши кураш бўйича Навоий вилояти ИИБ ЙХХБ ходимлари томонидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.*

## ҲУШЁРЛИК КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Жумладан, «Қоралори-2005» тадбири жараёнида ИПХ масканлари фаолияти кучайтирилди ва ходимларнинг ҳушёрлиги янада оширилди. Бу ишда гиёҳвандлик моддаларини қидириб топишга ўргатилган хизмат итларидан самарали фойдаланиляпти. Бу эса гиёҳвандлик моддаларини олиб ўтиш билан боғлиқ ҳолатларни аниқлаш имконини бермоқда.


Шу йил 27 сентябрь куни Кармана туманида яшовчи, 1968 йилда туғилган Ж. Насиба огирлиги 0,9 грамм бўлган героин моддасини 50.000 сўмга сотаётган пайтда қўлга олинди. Унинг яшаш жойи кўздан кечирилганда 60,7 грамм героин топилди. Шу куни «Самарқанд» мунтазам ИПХ масканида вилоят ИИБ ЙХХБ алоҳида ИПХ отряди 2-сафарбарлик гуруҳи ходимлари «Навоий-Тошкент» йўналиши бўйича ҳаракатланиб келаётган «КамАЗ-5320» русумли автомашинани тўхтатиб, текширишганида, ҳайдовчи — Бухоро вилояти Когон шаҳрида яшовчи Н. Ҳамид автомашина юкхонасида 11 тонна-ю 310 кг бўлган қора металл ноқонуний равишда Тошкент шаҳрига олиб кетаётганлиги аниқланди.

Ҳар иккала ҳолат бўйича ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Гиёҳвандлик ва унинг тарқалишига қарши курашиш ҳар биримизнинг вазифамиз. Буни чуқур ҳис этган ходимларимиз бу борадаги ишларни янада кучайтирмоқда.

**Балижон АШУРОВ,**  
капитан.

**Малайзиянинг Жохор провинциясида қирол оиласи аъзоси Рава оролида хорижликларга ҳужум қилгани учун ҳибсга олинди. Воқеа қуйидагича юз берди.**



**Маълумки, ҳар бир ички ишлар ходимига тўппонча берилади. Патрон ҳам давлат ҳисобидан. Улардан хизмат вазифасини бажариш чоғида зарурат туғилганда бемалол фойдаланиши мумкин.**

## ҚАРИНДОШ БЎЛСА ЎЗИГА!

Оролда бразилиялик келин-куёвнинг тўйи бўлаётган эди. Маросимга кўплаб хорижликлар, жумладан, Европа ва Жанубий Америка мамлакатларидан меҳмонлар ташриф буюришганди. Меҳмонлардан бири рақсга тушишдан бош тортиди. Шунда қирол оиласи аъзоси (унинг отини ҳозирча маълум қилишмаяпти) хорижликларга оролни тарқ қилишни «амр» этади. Аммо улар рад этишади. Шундан сўнг ҳукмдорнинг қариндоши ва унинг дўстлари хорижликларга ташлашиб, уларни калтаклашади. Муштлашув оқибатида бир неча киши касалхонага тушади. Полициячилар тўрт муштумзўрни, жумладан, қирол оиласи аъзосини ҳам ҳибсга олади. Эслатиб ўтамиз, Малайзияда конституцион монархия тузumi жорий қилинган. Мамлакатнинг тўққиз провинцияси раҳбарлари галма-гал беш йилдан қироллик қилишади.

## ТАШХИС ҲАМОН НОМАЪЛУМ

Ливия етакчиси Муамар Каддафи Фаластиннинг собиқ раҳбари Ёсир Арофатнинг ўлими сабабларини текшириш бўйича халқаро комиссия тузилишини талаб қилмоқда. Бу ҳақда Лондон шаҳрида чиқадиган «Ал-Ҳайят» газетаси хабар тарқатган.

Фаластинда тузилган комиссия Арофатнинг ўлими сабаблари аниқланмаганлигини маълум қилган эди. Ушбу ҳисобот чоп этилгач, орадан икки кун ўтиб Каддафи юқоридаги талаб билан чиқди.

## ҚУРОЛНИ НЕГА ЯШИРИШГАН?

Яқинда Россия Федерал хавфсизлик хизмати ходимлари ички ишлар идораларидан бирини кўздан кечиришди. Буни қарангки, изкуварларнинг хоналаридан керагидан ортиқ қурол-яроғ чиқди. Диван остидан тўппонча, шифт орасидан «Муха» гранатомёти — жами рўйхатга олинмаган бешта ўқ отар қурол, бир нечта тротил шашкалари ва озроқ героин, марихуана топилди.

Прокуратура ноқонуний қурол сақлаш ҳолати бўйича жиноят иши кўзгади. Ҳозир қуролларни ким, нима учун сақлагани аниқланмоқда.

## ҒАЙРИҚОНУНИЙ ТАШКИЛОТ

Бангладеш ҳукумати «Жиход Ҳаракатул ал-Исломи» ҳарбийлашган гуруҳи фаолиятини таққилади. У террорчилик ташкилотлари рўйхатига киритилди. Ушбу қарор мамлакатда жорий йилнинг август ва сентябрь ойларида қатор портлашлар содир этилгач қабул қилинди. Кўпуровчиликлар оқибатида олти киши ҳаётдан кўз юмган, кўплаб уйлар вайрон бўлган эди. «Жиход Ҳаракатул ал-Исломи» ташкилотининг раҳбари 1 октябрда ҳибсга олингач, гуруҳ фаолиятига чек қўйилган.

## КИМ АЙБДОР?

Эрон Ислום Республикаси Президенти яқинда яна мамлакатнинг Ахваз шаҳрида юз берган портлашларда дахлдорликда Буюк Британияни айблади. Эрон давлат телевидениеси унинг «Биз ушбу террорчилик хуружларида британиялик кучлар ўз ролини ўйнаган деган шубҳадамыз», — деган фикрини келтирди. «Эронлик айғоқчилар юқоридаги ҳодисаларда Британиянинг қўли борлигини аниқлади», — деди Президент.

## МИЛЛИОНЕР ПОРАХЎРЛАР

Россия Федерал хавфсизлик хизмати жамоатчилик билан алоқа қилиш маркази вакилининг айтишича, Федерал солиқ хизмати бошқарма бошлиғининг ўринбосари бир миллион АҚШ долларини пора сифатида олаётганида ашъвий далил билан ушланган.



Орадан бир неча соат ўтиб унинг ҳамтовоғи — Россия банкининг Москва худудий Бош бошқармаси ходими ҳам қўлга олинган. Тинтув пайтида унинг хизмат хонасидан ҳам учта жомадонга жойланган миллион доллардан зиёдроқ пул топилган.

Тергов ҳаракатлари чоғида амалдорлар бу пуллари йирик тижорат банкларининг биридан солиқ билан боғлиқ аниқланган қонунбузарликларга «кўз юмиш» эвазига пора сифатида олишгани аён бўлди. Ушланганларнинг исм-шарифлари ҳозирча ошкор этилмапти.



## АДВОКАТ ТАЙЁР ЭМАСМИ?

Саллам Хусайннинг адвокати Ироқнинг собиқ Президенти устидан суд жараёнини уч ой орқага суришни талаб қилмоқчи. Агар Саллам Хусайн 140 нафар шпаниннинг ўлимида айбдор деб топилса, уни ўлим жазосига ҳукм этишлари мумкин. Прокуратура собиқ Ироқ етакчисига нисбатан бошқа айбларни ҳам илгари сурмоқчи. Хусайннинг ҳимоячиси ҳимоядан кўра АҚШ раҳбарияти томонидан уюштирилаётган бу суд жараёни қонунийми деган масалани кўндаланг кўймоқчи. Адвокат Халил ал-Дулайми бунга тайёрланиши учун кўшимча вақт керак, деди.

## СИРЛИ МАХЛУҚ

Кўл яқинида яшовчи канадаликларнинг ақсарияти сув ҳавзасида ҳали фанга номаълум бирор махлуқ яшашига ишонишади. Симко кўлида ҳам маҳаллий ўлкашунослар сирли жониворни излашяпти. У ҳақдаги маълумотларга ҳиндуларнинг қадимий афсоналарида, XIX асрдаги нашрларда ҳам дуч келиш мумкин. 1983 йилда уни махсус кузатиш воситалари ёрдамида аниқлашган, 1991 йилда эса «тюленга ўхшаш махсус махлуқ»ни видеотасвирга туширишган.

Жорж Эберхарт сирли мавжудотни шундай тасвирлайди: «У тўқ кул ранг тюленга ўхшаб кетади. Узунлиги 3,5 метрдан 20 метргача етади. Юзи итнинг ёки отнинг башарасини эслатади. Кўзлари бақрайган, бўйни узун, устида бир неча қовурғаси туртиб чиққан».



## ТАДБИР ЯКУНЛАНДИ



Доғистоннинг Хасавюрт шаҳрида чоршанба кuni эрталаб тўрт нафар жангарини зарарсизлантириш бўйича махсус операция якунига етди. Бир неча соат давом этган жанговар ҳаракатлардан сўнг икки экстремист йўқ қилинди, қолган икки нафари эса қўлга олинди.

Доғистон ИИБ Матбуот хизмати бошлиғи А. Мусаевнинг айтишича, ўлдирилган жангариларнинг шахси аниқланган. Улардан бири Чеченистондаги туманлардан бирида фаолият кўрсатадиган жангариларнинг «амири» Султон Абдиев, иккинчиси эса Шомил Басаевнинг яқин ёрдамчиси Тоҳир Бадаев бўлган. Қўлга олинганларнинг исм-шарифи эса ҳозирча ошкор қилинмаяпти.

Тўқнашув чоғида бир милиционер ҳалок бўлган, тўрт ходим яраланиб, касалхонага ётқизилган. Тергов ҳаракатлари давом этаётир.

## ОХИРИ КЎРИНМАЯПТИ

Ироқлик исёнчилар ва аксилтеррор иттифоқчи кучлар ўртасидаги тўқнашувларнинг охири кўринмаяпти. Оқибатда кўплаб тинч аҳоли вакиллари қурбон бўлишмоқда. Яқинда ўтказилган жанговар ҳаракатлар чоғида 70 га яқин киши ҳаётдан кўз юмди. АҚШ Куролли Кучлари вакили уларнинг барчаси террорчилардир, дея тасдиқляпти. Аммо маҳаллий аҳолининг фикрича, 39 нафар тинч фуқаро ҳам ҳалок бўлган. Америка вертолётидан олинган видеотасвир яхшилаб кўздан кечирилганда ўлганлар орасида бир аёл ва бола мурдаси кўзга ташланди.

Аскарларнинг сўзларига қараганда, жанговар операция якшанба кuni бошланган эди. Маҳаллий телевидение ўлганлар орасида икки нафар бола ҳам борлигини намоийш этди. Гувоҳларнинг гапига кўра, улар етти ўсмирнинг мурдасини ўз кўзлари билан кўришган. Бундан ташқари, репортёрлар маҳаллий шифохонага ётқизилган бошқа яралдорлар орасида икки бола ҳам борлиги тўғрисида хабар тарқатишган.

Экспертларнинг фикрича, ҳарбийларнинг бундай «янглишиш»лари мамлакатда ғарбга қарши кайфиятни кучайтириб, бир кунмас бир кун оммавий кўзғолонга олиб келиши мумкин.





*Табиат онага қиёсланади. Она ер, Она табиат, Она сайёра атамалари замирида олам-олам маъно бор. Инсон ҳаётини табиатсиз тасаввур этиб бўлмайди. Биз табиатга зиён етказсак, у ҳам биздан ўч олмай қўймайди. Орол фожияси бунга ёрқин мисол. Афсуски, ҳали ҳам биз хатоларимиздан тегишли хулоса чиқара олганимиз йўқ!*

Тожикистондаги алюминий заводидан чиқаётган заҳарли тутун 1980 йиллардан буён умумий аҳолиси 570 мингдан зиёд бўлган Сарийосиё, Узун ва Денов туманлари атроф-муҳитига заҳарли тутун тарқатиб, ҳудуд экологиясига сезиларли салбий таъсирини ўтказмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, халқаро “Экосан” ташкилоти ва бир қатор экспертларнинг маълумотларига қараганда, завод атроф ҳудудларга жуда катта миқдорда фторли водород чиқараётганлиги аниқланди. Натижада фторли водороднинг ҳаводаги миқдори борган сари меъридан ошиб кетаётганлиги қайд этилмоқда.

Мазкур заводнинг чорак асрдан буён экологияга етказиётган салбий оқибатлари камлик қилаётганидек, янги завод қурилишига “Русский алюминий” компанияси 1.5 миллиард АҚШ доллари ажратишни режалаштираётгани ҳақида матбуотда хабарлар пайдо бўлиб турибди.

Ҳамдўстлик давлатларининг 1992 йил 8 февралдаги келишувига асосан экология ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш масалалари бўйича 50 дан ортиқ давлатлараро конвенциялар, битимлар ва 20 дан ортиқ икки томонлама халқаро келишувлар танилинган. Шу билан бирга ҳар бир давлат давлатлараро чегара ҳудудларида ҳўжалик ва бошқа фаолиятни амалга оширишида, бошқа давлатларнинг атроф-муҳитига, аҳолининг турмуш тарзига ва ҳўжалик фаолиятига таъсир этмаслиги чораларини кўриш таъкидланган. 11 та давлат иштирокида тузилган мазкур ҳужжатнинг 8-модда-

фаза қилиш жамғармалари тўғрисида”ги Низомлар, “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 де-

Мамлакатлар ва халқаро турмуш даражаларини келгуси авлод учун зарар етказмайдиган тарзда яхшилашни кўзда тутувчи имкониятлар яратиш йўли билан атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, қолаверса, бутун ер қуррасида таби-

# ТАБИАТ — ОНАМИЗ!

*Уни асрашга барчамиз масъулмиз*

сида келишувга имзо чекилган кундан эътиборан кучга кириши белгиланган. Бироқ ана шу муҳим ҳужжатни имзолаган давлатлар мазкур халқаро келишувнинг барча шартларига тўла амал қилдиларми? Афсуски, бу саволга жавоб ҳам мавжум бўлиб қолмоқда.


Мазкур халқаро келишувга амал қилиниб экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш юзасидан республикамизда бир қатор қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинди. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Экология экспертизаси тўғрисида”ги, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, “Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси тўғрисида”ги, “Табиатни муҳо-

кабрдаги Қарори шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият

атни ҳимоя қилиш мақсадида БМТнинг атроф-муҳит дастури — ЮНЕПга 1972 йилда асос солинган эди.

Наҳотки, БМТ табиатни муҳофаза қилиш ишини ҳамма жойда кучайтирган, бир неча халқаро шартномаларни ишлаб чиқиб, халқаро



Афсуски, алюминий заводи нафақат Ўзбекистонга, балки Тожикистоннинг экологияси, атроф-муҳитига, халқининг соғлиғига ҳам зарар етказмоқда. Наҳотки, иқтисодий манфаатдорлик экология, атроф-муҳит, халқнинг сиҳат-саломатлигидан устун турса? Наҳотки, биз фақатгина фойдани ўйлаб, табиатга эътиборсиз боқсак? Нега Тожикистондаги мутасадди ташкилотлар, жамоат бирлашмалари вужудга келган вазиятга бефарқ? Ҳали ҳам кеч эмас, Тожикистон алюминий заводи заҳарли бўҳронининг олдини олиш мумкин. Бунинг учун ҳамжиҳатлик, дўстлик, қўни-қўшничилик таомилларига, қонун ва халқаро ҳуқуқ нормалари талабларига амал қилиш лозим бўлади.

Шукурлар бўлсинким, мустақилмиз. Шонимиз, шууримиз, тарихимиз буюк. Нафақат Марказий Осиёда, балким бутун дунёда Ўзбекистоннинг ҳам, Тожикистоннинг ҳам ўз салоҳияти, ўз ўрни бор.

Ўйлайманки, давлатларимиз ўртасидаги дўстлик, биродарлик ришталари замирида халқларимиз равиқнақи, келажак авлод учун табиатни, атроф-муҳитни асраш ва уни ҳимоя қилишга тожик дўстларимиз билан биргаликда эришамиз.

Бизнинг республикамизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, энг аввало, инсон учун, унинг соғлом турмуш тарзи учун хизмат қилишига қаратилганлиги билан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда илгари сурилган эзгу ғоялар юрт тинчлиги, эл фаровонлиги, Ватан равиқнақи, фарзандларимиз келажаги йўлида хизмат қилади. Ишонманки, тожикистонлик биродарларимизнинг ҳам қалбига эзгу ғоялар ҳамроҳдир.

**Акрам ЖУМАЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик  
палатаси депутати.




ҳисоб-

ланиши белгиланган. Бундан инсоннинг ҳаёти ва соғлиғи назарда тутилмоқда. Асосий қонунимиз 50-моддасида эса фуқаролар атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбур эканликларни таъкидланган.

экологик ҳуқуқ тараққиётининг ташаббускорига айланган, мазкур халқаро шартномаларнинг аксариятини ЮНЕП назорат қилаётган бир пайтда табиатга ваҳшиёна ёндошишга йўл қўйилса!

Бундан ташқари БМТнинг “Кун тартибиди — XXI асрга ташриф” дастурида ҳам инсонлар табиат билан уйғун ҳолда соғлом ва фаровон ҳаёт кечиришга ҳақлилиги, айни пайтда давлат ўз ҳудудидаги ресурсларини эксплуатация қилишда суверен ҳуқуқга эга, аммо бундай ҳолатда бошқа давлат атроф-муҳитига зиён етказмаслиги кераклиги каби масалалар алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Ўзбекистон ва Тожикистон давлатлари ўртасида дўстлик алоқалари ўрнатилган. Бир қатор ўзаро шартномалар имзоланган. Мен Сарийосиё ва Узун туманларидан сайланган халқ вакили сифатида ҳар сафар сайловчи-



«Халқаро амнистия» ташкилотининг сўнги маълумотларига қараганда, шу кунгача дунё мамлакатларининг ярмидан кўпи ўлим жазосини қонуний тартибда бекор қилди ёки уни амалда қўлламапти.

- 85 та давлат ва ҳудудий тузилмалар барча жиноят турлари учун ўлим жазосини бутунлай бекор қилган;
- 11 та давлат фақуллода жиноятлардан ташқари барча жиноятлар учун ўлим жазосини бекор қилган;
- яна 24 та давлатни амалда шулар сирасига қўшиш мумкин: ушбу мамлакатлар қонунларида ўлим жазоси кўзда тутилган бўлса-да, яқин ўн йилдан буён бу жазо бирор марта ҳам ижро этилмади. Мазкур мамлакатларда сиёсат ёки амалиёт ўлим жазосини ижро этмасликка қаратилган, деб ҳисобланади.

Юқоридаги рақамларни жамлайдиган бўлсак, 120 та давлат ўлим жазосини қонуний асосда бекор қилган ёки уни амалда қўлламаётган бўлиб чиқади. Қолган 76 давлат ва ҳудудий тузилмаларда ўлим жазоси сақланиб қолган ва қўлланиб турилади. Аммо йилдан-йилга ўлим жазосини ижро этиш кўрсаткичи камайиб бормоқда.

# ЎЛИМ ЖАЗОСИ:

## ТАҚИҚЛАШ САРИ

1990 йилдан буён 40 дан зиёд давлат ҳар қандай жиноят учун ўлим жазосини бекор қилди. Улар орасида Африка (рўйхатнинг сўнггида Кот д'Ивуар ва Сенегал), Шимолий ва Жанубий Америка (Канада, Парагвай, Мексика), Осиё ва Тинч океан минтақаси (Бутан, Самоа, Туркменистон), шунингдек, Европа ва Жанубий Кавказ давлатлари (Арманистон, Босния — Герцеговина, Кипр, Греция, Туркия, Сербия ва Черногория) ҳам бор.

Олий жазо камдан-кам ҳолларда бекор қилинганидан кейин қайта тикланади. Масалан, 1985 йилдан буён 50 дан ортиқ давлатда ўлим жазоси қонуний тартибда бекор қилинди ёхуд аввалига одатдаги жиноятлар учун уни қўллашни тақиқлаб, кейинроқ бу тақиқни барча жиноятлар учун татбиқ этишди. Шундан буён ўтган давр ичида фақат тўрт мамлакатгина бу жазони қайта тиклади. Аммо улардан Непал яна ўлим жазосини бекор қилди. Филиппин эса кейинчалик ўлим жазосини ижро этишни тўхтатиб қўйди. Қолган икки мамлакат — Гамбия ва Папуа-Янги Гвинеяда эса ўлим жазоси тўғрисидаги ҳукмлар ижро этилмади.

2004 йил мобайнида жаҳоннинг 25 мамлакатида камида 3797 маҳкум қатл этилди ва 64 мамлакатда камида 7395 киши ўлим жазосига ҳукм этилди. Ҳақиқий кўрсаткичлар бундан юқори, албатта. Шу йили Хитой, Эрон, Вьетнам ва АҚШда маълум бўлган ўлим ҳукмларининг 97 фоизи ижро этилди. «Халқаро амнистия» ташкилоти маълумотларига кўра (маълумотлар очик манбалардан олинган), сўнгги йилда Хитойда камида 3400 киши, Эронда 159 киши, Вьетнамда 64 ва АҚШда 59 киши қатл этилди.

## ЎЛИМ ЖАЗОСИ ТУРЛАРИ

2000 йилдан буён қуйидаги ўлим турлари қўлланилиб келинапти:


# РАҚАМЛАР ВА ФАКТЛАР

- Бошини танидан жудо қилиш (Саудия Арабистони ва Ироқ).
- Электр стулига ўтқириш (АҚШ).
- Осиб ўлдириш (Миср, Эрон, Япония, Иордания, Покистон, Сингапур ва бошқа мамлакатлар).
- Инъекция (укол) қилиш (Хитой, Гватемала, Филиппин, Таиланд, АҚШ).
- Отиш (Белорусь, Хитой, Сомали, Тайвань, Вьетнам ва бошқа мамлакатлар).
- Тошбўрон қилиш (Афғонистон, Эрон).

## ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА НИСБАТАН ЎЛИМ ЖАЗОСИ

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар жиноят содир этган пайтида ҳали 18 ёшга тўлмаган шахсларни ўлимга ҳукм қилишни ёки қатл этишни тақиқлайди. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро Пакт, Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, Болалар ҳуқуқлари ва манфаатлари тўғрисидаги Африка хартиясига ҳамда Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенциясида тегишли

бўлмаса биттасига қўшилишган. Ўлим жазоси бўйича бир неча марта илмий тадқиқотлар ўтказилди. Аммо уларнинг бирортасида ҳам жиноятчиликнинг олдини олишда ўлим жазоси бошқа жазо турларига қараганда самаралироқ восита эканлиги ўз тасдиғини топмади. 1988 йилда БМТ буюртмасига кўра ўтказилган ва



2002 йилда тўлдирилган ана шундай тадқиқотда ўлим жазоси ва қотилликлар ўртасидаги боғлиқлик ўрганилди. Тадқиқотчилар: «Ўлим жазоси қотилликлар сонининг камайишига бир қарашда унга қараганда енгилроқдек туюладиган умрбод қамоқ жазосига қараганда кўпроқ таъсир қилади, деган фараз нотўғри бўларди», — деган хулосага келишди.

## ЖИНОЯТЧИЛИК ДАРАЖАСИГА ТАЪСИРИ

Юқоридаги тадқиқотда ўлим жазосининг умуман жиноятчилик даражасига таъсири ҳам ўрганилди. Хулосада жумладан шундай дейилади: «Статистик тенденция ўзгаришсиз қолмоқда. Бу давлатлар ўлим жазосини камроқ қўллайдиган бўлсалар, жиноятчилик даражасининг кутилмаганда ва кескин ошиб кетишидан хавотирланишларига ўрин йўқлигини кўрсатади».

Баъзи мамлакатларнинг сўнгги статистик маълумотлари ўлим жазосининг бекор қилиниши салбий оқибатларга олиб келмаслигини кўрсатади. Масалан,

Канадада 1975 йилда (ўлим жазоси бекор қилинишидан бир йил олдин) қотиллик ҳар 100 минг кишига 3,09 тани ташкил этган эди. 1980 йилда бу кўрсаткич 2,41 тага камайди. Ўшандан буён қотиллик даражаси мунтазам пасайиб бормоқда. 2003 йилда, яъни ўлим жазоси



эълон қилинди. Бу борала юртдошларимиз қандай фикрда? Шу мақсадда бир неча фуқаро билан суҳбатлашдик.

— Мен 2008 йилнинг 1 январидан республикамизда ўлим жазоси ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси

— Ушбу Фармонни газетамда ўқиб, менда ҳам турли фикрлар туғилди. Чунки, инсонийлик нуқтаи назаридан олиб қаралса, ўлимга маҳкум этилган шахснинг ҳам фарзандлари, яқинлари бор. Уларда гуноҳ йўқ. Инсон ўғрими, уччига чиққан жиноятчимми, умуман ким бўлишидан қатъи назар, бари бир уларнинг жисгарбанди. Яхшиси, умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш керак-ки, токи қилган ишининг нақадар оғир гуноҳ эканини англаб, виждон азобида қийналсин ва пуншаймон бўлсин, — дейди талаба Севара Содиқова.

— Арзимаган нарсаларни деб гоҳида талабаларнинг жонига қасд қилаётганларни эшитиб қоламан. Шундай кимсалар кўпайиб кетмайдими, деб хавотирга тушиб қоламан, — дейди яна бир талаба, — Зулхумор Толипова.

Хўш, ҳуқуқшуносларимиз бунга қандай қарашмоқда? Фуқароларимизнинг фикр-мулоҳазалари ўринлими?

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист Алишер Шарафудинов Фармон юзасидан қуйидаги фикрларни билдирди:

— Жазонинг оғирлиги жиноятчи камайишига сабаб бўлади, деган қараш мутлақо нотўғридир. Аксинча, жазонинг муқаррарлигини одамлар онига чуқур синдириб боришимиз учун энг самарали чоралардан, хусусан, жамоат назорати ва таъсирдан кенг фойдаланишимиз даркор. Қилмишдан вақтида хулоса чиқарадиган, қисқача айтганда, тушунадиган одамларга нисбатан қонунларимизда ифодасини топган инсонпарварлик тамойилини қўллаш билан бирга, одамгарчиликдан чиқиб, оғир жиноятлар қилиб ўзгаларга, жамиятга зиён-заҳмат etkazувчи жиноятчига нисбатан эса жазо муқаррарлиги ва қонунларимиз қатъийлигини кўрсатишимиз шарт. Ўлим жазоси бекор бўлибди, энди билганимни қиламан, деб ўйловчилар бўлса хато қилади.

Тўғри, бугунги кунда инсоният бошига турли бало офатларни ёғдираётган террорчилар ёки бошқа жиноятлар содир этаётганлар шунга яраша жазоланиши шарт. Бундайлар асосан олий жазо — ўлимга ҳукм қилинган. Лекин уларни ўлдириб юбориш билан бундай жиноятларни йўқотиб бўлмайди. Президентимизнинг ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги Фармонини ҳаётга татбиқ этиш борасида ҳали кўп ишларни амалга оширамиз. Ўлим жазосининг бекор қилиниши жиноятлар кўпайишига таъсир қиладими-йўқми, деган саволга келсак, жиноят ва унга тайинланган жазо жиноятларнинг ўсиши ёки камайишига мутлақо таъсир қилмайди. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши, хусусан, айрим жиноятчилар озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазонинг тайинлини бу тенденцияга мутлақо таъсир кўрсатмаётгани ҳам буни тасдиқлайди.

бекор қилингандан сўнг орадан 27 йил ўтгач ҳар 100 минг кишига 1,73 та қотиллик тўғри-келди, яъни 1975 йилдагига қараганда 44 фоизга камайди. Бу сўнгги ўттиз йил ичидаги энг паст кўрсаткичдир.

## АЙБСИЗЛАР ҚАТЛ ЭТИЛСА-ЧИ?

Ўлим жазоси сақланиб қолса, ўлимга ноҳақ ҳукм этиш эҳтимоли ҳам сақланиб қолади. АҚШда 1973 йилдан буён 121 маҳкум айбдор эмаслиги исботланиб, ўлим камерасидан озод этилди. Бундай ҳолларнинг олти-таси 2004 йилда, иккитаси эса 2005 йилнинг биринчи ярмида қайд этилди. Ана шу маҳкумларнинг баъзилари ўлимга ҳукм қилинганлар камерасида бир неча йил ўтиришган, яқин орада қатл этилишлари мумкин эди.

Мамлакатимизда ҳам жорий йилнинг 1 августидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони

Тадқиқотчилар: «Ўлим жазоси қотилликлар сонининг камайишига бир қарашда унга қараганда енгилроқдек туюладиган умрбод қамоқ жазосига қараганда кўпроқ таъсир қилади, деган фараз нотўғри бўларди», — деган хулосага келишди.

таъсирга тушмаган... — Мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очиб берилганидан фойдаланиб, анча сармоёга эга бўлдим, — дея суҳбатга қўшилди тадбиркор Бурхон Орифжонов. — Шу йилнинг 1 августидан эълон қилинган Фармонни эшитиб, тўғриси биров хавотирга тушдим. Бойси, ўлим жазосининг бекор қилиниши бир пайтлардагидек турли хил жиноий тўдаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмасмикан?



**Кўхна ва ҳамиша навқирон Хоразм воҳаси ўзининг дунёни ҳайратда қолдирган тарихий обидалари билан машҳурдир. Вилоятнинг меҳнатсевар халқи эришаётган барча ютуқларда кунларни тунларга улаб ишлаётган вилоят ички ишлар бошқармаси ходимларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Ушбу саҳифада бу соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларни амалга ошириш борасида қилинаётган ишлар билан танишасиз.**

Ислоҳотларни амалга ошириш кадрлар сиёсатининг нақадар тўғри ва мукамал ташкил этилишига боғлиқ. Буни чуқур англаган Хоразм вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбарияти кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш мақсадида узоқни кўзловчи кенг кўламдаги тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Режани бажариш борасида сафларни касбига нолойиқ шахслардан тозалаш ва уни билимли, иқтидорли, ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол ёшлар ҳисобига тўлдиришга катта эътибор қаратилди. Бу борада ИИБ Академиясида ташкил этилган сержантлар тайёрлаш олий курсида ўқиб қайтган 40 нафар ёш ходим ҳақида алоҳида тўхталиш лозим. Бу ёшлар олий мактабда олган билимларини амалий иш соҳасида муваффақият билан қўллаётганлиги натижасида муайян ютуқларга эришилмоқда.



Ёш сержантларнинг иш тажрибалари оммалаштирилмоқда.

Тезкор вазиятдан келиб чиққан ҳолда ички ишлар идораларининг доимий жанговар шайлигини таъминлаш, куч ва воситаларини марказлаштириш, мавжуд имкониятлардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш жараёнида вилоят ички ишлар бошқармаси заҳира кучларини ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБда 30 нафар ходимдан иборат тез-

кор сафарбарлик гуруҳи, Ҳазорасп ва Шовот туманларида ҳар бири 50 нафар ходимдан иборат йиғма отрядлар ташкил қилинди. Маҳаллий ҳокимиятлар билан келишилган ҳолда уларнинг яшаши, овқатланиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун барча шароитлар яратилди. Бунда маърифий ишларга ҳам эътибор берилди. Йиғма отрядларда махсус ўқув дастурлари асосида машгулотлар олиб борилаётир.

Кейинги йилларда шахсий таркиб ўртасида соғ-

лом муҳитни янада яхшилаш, уларнинг спорт билан шуғулланиши учун шароитлар яратиш устувор вазифа қилиб қўйилди. Вилоят ИИБнинг янги “Динамо” ўйингоҳи, шаҳар ва туманлар ИИБларидаги ёзги спорт шаҳарчалари қўшим-

## ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ча спорт жиҳозлари билан таъминланди. “Сиҳат-саломатлик йили” давлат дастури асосида ишлаб чиқилган тадбирлар режасига асосан ҳар ойда спорт турлари бўйича вилоят ИИБ биринчилиги ўтказиб келинмоқда. Ходимларимиз вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган турли мусобақа ва чемпионатларда фаол иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритмоқдалар. Улардан Алижон Абдуллаев, Азимбой Иброҳимов, Юсуфбой Сафоев, Одилбек Жума-

**“Ислоҳотлар натижасида ички ишлар идораларининг фуқароларни ва жамиятни террорчилик, кўпуровчилик хуружларидан, барча шаклдаги экстремизм, уюшган жиноятчилик каби жиноий кўринишлардан ишончли ҳимоя қилишни таъминлайдиган тизим шаклланиши зарур. Оқибат натижада ички ишлар идоралари шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини ҳимоя қилишнинг ишончли гарови бўлиши лозим”.**

**И. КАРИМОВ.**

ниёзов, Акмал Матчонов, Эргаш Аҳмедовлар вилоятимизнинг фахридир. Ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида “Динамо” спорт мажмуида қатор спорт тўғараклари ташкил этилди. Айни кунларда тўғаракларда машгулотлар қизгин. Бу эса вояга етмаганлар орасида жиноятчиликни камайтиришга сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари вилоят ИИБнинг наشري бўлган “Осоёйишталик учун” газетаси соврини учун ходимларнинг фарзандлари ўртасида ўтказилаётган “Эпчиллар ва чаққонлар” мусобақаси ҳам анъанага айланди.

Жойларда бевосита аҳоли билан иш олиб боровчи профилактика инспекторларининг қулай иш ва дам олиш шароитини яхшилаш, милиция таянч

пунктларида алоқа воситаларининг мунтазам ишлашини таъминлаш, уларни замонавий компьютерлар билан жиҳозлаш учун барча чора-тадбирлар кўрилмоқда. Байрам кунлари хизмат вазифасини ўташда ҳалок бўлганларнинг оиласига, шунингдек, ногиронлар, фахрийлар ва вилоятдаги Меҳрибонлик уйларига доимий равишда ғам-хўрлик кўрсатилмоқда. Ҳалок бўлган ходимларимизнинг фарзандларини ота ўрнида тарбиялаётган аёлларга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатилмоқда.

Вилоят ички ишлар идоралари шахсий таркиби соҳада ўтказилаётган туб ислоҳотларни амалга ошириш йўлида бундан буён ҳам билим ва тажрибалари, маҳоратлари кучгайратларини аямайдилар.

**Баҳодир РАҲИМОВ,**  
вилоят ИИБ бошлиғи  
ўринбосари, подполковник.

**Отаназар Матназаров ёш бўлишига қарамай халқ ишончини қозонган осойишталик посбонларидан бири. Отаназар бундай олижаноб ишда ҳар доим бошқаларга ўрнак бўлаяпти.**

## Меҳнатда тобланган йигит

Куз ойи. Ҳаво анча салқин. Қоронғу тушиши билан Отаназарни бўлимга чақириб қолишди. У серқатнов асфальт йўл бўйидаги пиёдалар йўлагидан шошиб бораётди, ерда ётган кишига кўзи тушиб қолди. Одамлар уни айланиб ўтар, ёрдам беришни хаёлларига ҳам келтиришмасди. Отаназар тезда йўловчини бир чеккага ётқизиб, кўкрагига кулоқ тутди. Юраги бир текис ураяпти. Шу пайт йўлакдан ўтаётган киши:

— Бола-чақасининг ризқини қийиб, ичадиган бундай нокасларга ёрдам бермаслик керак. Эргалабгача совуқда қолиб кетса, таъзини еб, одам бўлади, — деди-да, ўтиб кетди.

Фуқародан спиртли ичимликнинг ҳиди келмаётганини сезган Отаназар тезда уни туман марказий касалхонасига олиб борди. Шифокорларнинг

саъй-ҳаракатлари билан у ўзига келди. Йўловчи қон босими ошиб, ҳушидан кетиб, йиқилган экан. Шифокорлар ўз вақтида берилган ёрдам туфайли бемор омон қолганини айтишгач, унинг оила аъзолари катта сержант Отаназар Матназаровга миннатдорчилик билдиришди...

Отаназарнинг ана шундай зийраклиги, халқ дарди билан яшагини билган хиваликлар “Ўзиям жуда зийрак йигит-да!”, дея унинг номини ҳурмат билан тилга оладилар. Отаназар ҳаётда ўз ўрнини тополган инсонлардан.

Отаназар Хива туманининг Шомохулум қишлоғида туғилиб, ўсди. У мактабни битириб, Урганч автомобиль йўллар коллежига ўқишга кирди. Билим даргоҳини битиргач муҳандис бўлиб, одам-



ларнинг оғирини енгил қилиш ниятида эди. Аммо ўзи яшаб турган қишлоқ профилактика инспектори, капитан Наримон Курёзов билан бир-икки марта суҳбатлашдию ички ишлар идораларида хизмат қилишга аҳд қилди. Шу ходимнинг тавсияси билан ишга кириб, мана 15 йилдирки, ички ишлар соҳасида фаолият кўрсатмоқда. Турмуш ўртоғи Дилбархон билан беш фарзандни тарбиялаб вояга етказмоқда.

— Отаназарнинг яхши одати бор, — дейди унинг ҳамкасби, катта сержант Иброҳим Юсупов. — У ҳеч қачон нолимайди. Энг асосийси, бажараётган ишини севади. Ота-

назарнинг ишга кечикиб келгани ёки бирор топшириқни бажармаганини эслолмайман.

Кечагина шоғирд бўлган оддий сафдор бугун устоз. У Хива тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимида бўлинма сардори. Катта сержант Отаназар Матназаров фидойи хизматлари учун вилоят ИИБ ҳамда туман ички ишлар бўлими раҳбарияти томонидан бир неча бор рағбатлантирилган.

**Мирза АБДУЛЛАЕВ.**  
Суратда: катта сержант Отаназар Матназаров (ўнгда) ҳамкасби, катта лейтенант Баҳодир Оллаберганов билан.

**Жумабой ҚОЗОҚ** олган сурат.



## Кинологлар баҳси

**Вилоят ИИБ ўқув марказида бошқарма ППХ ва ЖТСБ хизмат итлари питомниги кинологлари ўртасида кўпкураш мусобақаси бўлиб ўтди.**

Беллашувда шаҳар ва туман ИИБлари ҳамда бошқа соҳавий хизматлар ходимлари ўз хизмат итлари билан иштирок этишди. Мусобақа дастурига кўра иштирокчилар умумий машгулотлар, тўсиқлардан ошиб ўтиш, махсус курс йўналиши, из олиш, одам ва буюмларни излаб топиш, гиёҳвандлик ҳамда портловчи моддаларни аниқлаш, хавфли жиноятчиларни қуролсизлантириш каби йўналишлар бўйича ўзаро куч синашишди.

Тадбирда вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ питомниги кинологлари, сержантлар Ўктам Раҳимов, Ғайрат Мадраҳимов, Ҳамид Бийметов, Анвар Ҳолмуродов, Незмат Искандаровлар хизмат итларини мусобақага яхши тайёрлашгани яққол сезилиб турди.

**Худойберган ЖАББОРОВ.**

Суратда: кўпкураш мусобақасидан лавҳа.

Ҳар бир фуқаро транспорт воситасини бошқариш билан бирга ҳаракат хавфсизлиги учун ҳам масъулдир. Ҳеч бир ҳайдовчи қонун олдида жавобгарликдан озод этилмаган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига асосан ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида машина ойналарини ўзбошимчалик билан қорайтириш, тусини ўзгартириш ёки бўлмаса парда ўрнатиш каби ҳолатлар қатъиян тақиқланган. Шундай бўлишига қарамадан айримлар томонидан қарор талаби кўпол равишда бузилаётир. Масалан, Хоразм вилояти ИИБ ЙХХБ ва бошқа ҳуқуқни

## ҚИММАТГА ТУШГАН ЎЗБОШИМЧАЛИК

муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида Урганч шаҳрида яшовчи Ж. Жаҳонгир, Й. Озод, М. Мақсуд, Б. Азимбой, О. Ибодулло, Э. Шерали ва бошқа ҳайдовчиларнинг машиналаридан юқоридаги қондабузарликлар мавжудлиги учун баённома тузилиб, жарима майдончасига қўйилди. Ачинар-

лиси, бундай ҳолатларга қонунларни яхши биладиган айрим нуфузли идораларнинг вакиллари ҳам йўл қўйишмоқда.

Айрим ҳайдовчилар эса йўл ҳаракати қонунларини кўпол равишда бузиш билан бирга ноқонуний равишда киракашлик қилиб юрганликларини аниқланди. Улар йўл-патруль хизмати ходимлари томонидан белгиланган тартибда жаримага тортилдилар. Табиийки, ҳайдовчиларнинг қонунларни менсимай, ўзбошимчалик қилишгани қимматга тушди.

**Муҳиддин НАВРЎЗАЛИЕВ,**  
майор.











**Актёрлар... Улар сахналарда, киноларда гоҳ фақир, гоҳ шоҳ қиёфасини яратадилар. Кейин эгниларидоги жанда кийим ёки бошларидаги шоҳона тожларини ечадилар-да, эртасига ўзларидек оддий ташвишларга шўнгиб, оддий одамлардек яшайверадилар.**

Аббос Бакиров ҳам миллионлаб ўзбек томошабинлари томонидан тан олинган севикли актёрлардан бири эди. У театр ва кинода ўнлаб ролларни маҳорат билан ижро этган. Аммо бизнинг хотирамизда Қодирийнинг «Ўткан кунлар»идаги Юсуфбек хожи образи тимсолида мухрланди. Бир томондан юксак тафаккур, адолат ва ҳақиқат ҳомийси Юсуфбек хожи қиёфасида биз идеал шахс образини кўрганимиз учунми, унга чексиз меҳр-муҳаббат қўйгандик. Актёрнинг қизи Ўзбекистон халқ артисти Барчиной (Ойбарчин) Бакирова шундай эслайдилар: «Бир воқеа ҳамон эсимдан чиқмайди. Биз жуда эски ҳовлида яшардик. Газ баллонда келарди, уй печка билан иситиларди.

Кунлардан бирида юқори идорадан меҳмонлар келиб қолишди. Уйимизнинг аҳволини кўриб, «Аббос ака, сиз шунақа шароити йўқ уйда

марта келади. У яхши яшаши керак. Ҳамма нарсаси мўл-кўл бўлиши керак», дер. Лекин улар шуларсиз ҳам бахтли эдилар».

Ҳа, улар ҳашамларсиз ҳам бахтли эдилар. Аббос Бакировнинг турмуш ўртоғи ҳам мамлакатда театр санъати гуллаб-яшнаган даврда ижод қилган, Нодирабегим образи орқали ўзига ҳайкал қўйган истеъдодли актриса — Қамара Бурнашева эди.

Улар танишганларида, бирлари ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб улгурган 30 ёшли дуркун йигит, иккинчилари эса 21 ёшли сочлари узун, гўзал қиз эди. Иккалалари ҳам бир-бирларига сира ўхшашмас, Аббос Бакиров вазмин,

шундай катта бўлишган. Баъзида сахна ортида шу қадар кўп болалар йиғилардики, театр билан банд бўлмаган актёрлар уларни чалғитишга ҳаракат қилишарди.

Қамара Бурнашева катта мусиқий драмаларда энг мураккаб арияларни ижро этар, бу оғир меҳнат кўпроқ дам олишни тақозо қиларди. Лекин хонадондаги шароит анчайин оғир бўлганлиги сабабли актриса рисоладагидек дам ололмасди. Болаларнинг иссиқ-совуғидан хабар олиш, икки маҳал иссиқ овқат тайёрлаш, айниқса, қиш кунларида ҳовлидаги қорни олиб кириб, уни сувга айлантириш, печкаларни иситиш зарур эди. Театрга кетиш олдида у бармоқларини чўткалар билан узоқ юварди. Чунки у спектаклларда асосан бош қаҳрамонлар ролини ижро этарди. Саҳнанинг шундай қонуниятлари борки, томошабинни ижрочининг муаммолари сира ҳам қизиқтирмайди ва буни актриса



ерга қўйди. Она учун бундан ортиқ азоб борми?! Замондошларининг хотирлашларича, у ниҳоятда иродали аёл бўлган. Оғир касал бўлиб ётганларида «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланганини эшитиб, аввалига ҳайрон қолган, кейин «мени унутишмабди», дея қувончдан йиғлаган эканлар.

Бундан беш йил аввал Қамара Бурнашева ҳаётдан кўз юмди. Барчиной опа учун энди буёғига гўё яшашнинг қизиги қолмагандек эди. Лекин у сеvimли отаси қўйган исми бутун умри давомида оқлаб ўтиш масъулиятини тўла англагач, ўзини ижодга, меҳнатга урди.»

## Улар бахтли эдилар



яшайсизми?» деб сўрашибди. Уч-тўрт кун ўтгач, чақириб битта катта уйни кўрсатишибди ва «шу уй сизга» дейишибди. Хоналари жуда кўп ва катта, ошхона, ванналарига кафель ётқизилган, ниҳоятда серҳашам, гўзал уй экан. Онамоса қувонган эканлар.

Орадан кунлар ўтибди. Аям «Уста, янги уйга қачон ўтамиз?» деб нукул сўрар, дадам эса сукут сақлармишлар. Бир кунни аямни чақириб «Биламан, уй сизга жуда ёқди. Лекин биз кўчмаймиз. Мен бу уй илгари кимга тегишли бўлганини суриштириб кўрдим. Бир савдогарнинг уйи бўлиб, мусодара қилинган экан. Унинг ҳам фарзандлари кўп бўлган экан. Агар ҳафа бўлмасангиз, гап шу — биз ўша уйга кўчмаймиз», — дебдилар. Шу-шу эски уйда қолиб кетишибди.

Дадамиз мол-мулкка, чиройли яшашга ўч эмасдилар. Содда эдилар. Балки ҳозир кимдир: «Инсон ҳаётга бир

оғир табиатли, ҳар бир воқеа-ҳодисага узоқ мушоҳададан сўнг баҳо бериши, Қамара Бурнашева эса қувнок, очиқ-кўнгиллиги билан ажралиб турарди. Улар турмуш қурганларида ҳаёт чархпалаги тўсатдан айланиб, бошқа дунёга тушиб қолганлари йўқ. Фақат тўйдан кўп вақт ўтмай уруш бошланиб кетди.

Бу оилада бирин-кетин икки ўғил, икки қиз туғилди. Барчалари театрда катта бўлишди. Театр ва оиладаги шахсий ҳаёт бир-бири билан аралашиб кетган эди. Эр-хотин эрта билан театрда жўнашар, аввал репетицияларда, сўнг оқшомги спектаклларда иштирок этишарди. Театрга фарзандларини олиб келишар, улар эса спектакль тугагунча ухлаб қолишар, эр-хотин ярим кечада болаларини қўлларида кўтариб қайтишарди. Умуман олганда, нафақат бу оила, балки ҳамма санъаткорларнинг фарзандлари ҳам

яхши тушунарди. Лекин уларни бирор марта нолиш билан эслаганларини ҳеч ким эшитмаган.

Афсус, биз кўпинча ёнимиздаги истеъдодли одамни қўллаб-қувватлашни билмаймиз, ўша одам батамом йиқилганида, қулаганидагина унга нега бундай бўлди, деб қизиқиш билан чегараланамиз, холос.

Аббос Бакировнинг тақдирига ҳам айни шу иллат чанг солган эди. Мамлакатнинг энг юксак унвони — Халқ артисти унвони соҳиби бир кунда истеъдодни қадрламайдиган кичик амалдорлар томонидан ўзи севиб бажариб юрган иш — театр бош режиссёрлиги вазифасидан четлатилади.

«Дадам нолишни, бировларни ёмонлашни ёқтирмасдилар, — дейди Барчиной опа. — Ҳар хил вазиятлар бўлган. Пенсияга чиқариб юборишган. Санъаткорнинг пенсияга чиқиши худди керакмасдек бўлиб қолиши билан тенг. Балки ёшлар ишласин, уларга жой бўшатиш керак, деган гап тўғридир, билмадим, билмадим.

Ўша пайтлари театрда янги директор келган экан. У албатта жуда ёш бўлган, дадамнинг санъатсиз яшай олмасликларини тушунмаганми ёки юқоридан буйруқ шундай бўлганми?!

«Нодира» спектакли премь-

ераси кунни эрталаб театрда борсалар, ишдан бўшатишлари ҳақида буйруқ чиққан экан. Индамай уйга қайтиб келибдилар. Шу-шу театрда қайтиб бормабдилар. Ўша воқеа дадамга жуда қаттиқ зарба



бўлган. Шунинг учунми кейин узоқ яшамадилар».

1974 йил Барчиной Бакирова иш юзасидан Душанбе шаҳрида юрганида, унга Андижондан келган шошилинч телеграммани кўрсатишди. Аммо... халқ артисти Аббос Бакиров қизи етиб келишидан икки соат аввал ҳаётдан кўз юмди.

Қамара Бурнашева турмуш ўртоғининг вафотидан сўнг ўтган йиллар давомида бирин-кетин уч фарзандини

Барчиной Бакирова ўзини бахтли инсон деб ҳисоблайди. У кетма-кет икки йил давомида мамлакатимизнинг юксак мукофотларини қабул қилиш учун Оқсаройга ташириб буюрди. 2001 йил у Ўзбекистон Халқ артисти деган юксак унвонга сазовор бўлган бўлса, 2002 йилда Халқ артисти Аббос Бакировга берилган «Буюк хизматлари учун» орденини санъаткорнинг қизи сифатида қабул қилди...

Илмира РАҲМАТУЛЛАЕВА.



чиликлардан холи эмаслигини афсус билан қайд этди. Иш юртиш, хусусан, юридик атамалар соҳасида ўз ечимини кутаётган масалалар талайгина эканлигини таъкидлаб:

— Баъзи тергов материалларини ўқисангиз, тушуниш қийин. Ёки айрим атамаларни олайлик. Масалан, «жиноят ҳуқуқи», «жиноят қидирув бўлими» атамалари менимча ўз моҳиятига унчалик тўғри келмайди, — деди.

Ўзвчи сўзлашув тилидаги, айрим корхона ва ташкилотларни номлашдаги қусурлар, Атамалар қўмитасининг фаолиятини жонлантириш, бир пайтлар ҳужжатларимизга нотўғри ёзилган исм-шарифларимизни тўғрилаш лозимлиги ҳақида куюниб гапирди.

Сўнг йиғилганларнинг турли саволарига жавоб берди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник А. Шарафутдинов адибга мазмунли суҳбати учун миннатдорчилик билдирди. Фурсатдан фойдаланиб биз ҳам сеvimли ўзвчимизни мулоқотга чорладик.

Ўзбекистон Республикаси ИИВда ўтказилган навбатдаги Маърифат дарси «Давлат тилининг миллат ривожидидаги аҳамияти» мавзусига бағишланди. Унга Ўзбекистон халқ ўзвчиси Тоҳир Малик таширф буюрди. Ижодкор она тилимизга давлат тили мақоми берилгач, аввалага унинг ривожига, софлигига катта аҳамият берилганини, аммо кейинроқ эътибор хийла сусайганини таъкидлади. Оммага нутқ маданиятини ўргатиши лозим бўлган матбуот ҳам бу борада кам-

Атамалар қўмитасининг фаолиятини жонлантириш, бир пайтлар ҳужжатларимизга нотўғри ёзилган исм-шарифларимизни тўғрилаш лозимлиги ҳақида куюниб гапирди.

Сўнг йиғилганларнинг турли саволарига жавоб берди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник А. Шарафутдинов адибга мазмунли суҳбати учун миннатдорчилик билдирди. Фурсатдан фойдаланиб биз ҳам сеvimли ўзвчимизни мулоқотга чорладик.

ўтишим билан руҳиятим тетиклашиб, ўзимга келиб қоламан.

— Бугун бўлиб ўтган Маърифат дарси давлат тили мавзусига бағишланди. Шу ўринда тилимиздан ўрин олган «фуқаро» атамасига ўз муносабатингизни билдирсангиз.

— «Фуқаро» араб тилидан олинган бўлиб, «фақир», яъни ўзимиздаги «бечора» сўзининг кўплик шаклидир. Менимча, унинг ўрнига «гражданин» атамасининг ўзини ишлатавериш керак эди. Умуман, кўпчилик тилларга кириб келган «аэропорт», «телеграф» каби халқаро атамалардан воз кечиш керак эмас. «Дорилфунун» ва «университет» сўзларини қиёслайдиган бўлсак, маънолари яқин бўлса ҳам, биринчисида тарихий хусусият кучлироқ. Уни тарихий асарларда қўллаган маъкул.

Бирор буюм, нарса қаерда тайёрланган, ишланган бўлса, ўша ерда қўйилган номини қабул қилганимиз тўғри бўлади. Фақат битта имтиёзимиз — ти-

сўзидаги «миёна» ҳам форсча бўлиб «ўрта» маъносини билдиради. Ёки «лаҳм гўшт» сўз бирикмасида ҳам шу ҳол кузатилади.

Айни пайтда чет тиллардан ҳуда-беҳуда сўз олишга ҳам эҳтиёт бўлиш керак. Масалан, «саммит» сўзининг ўзбекча «анжуман», «йиғин» «мажлис» каби бир қанча муқобили бор-ку.

— Тоҳир ака, бизнинг аксар муштарийларимиз ички ишлар идоралари ходимлари. Сизнингча, ҳозирда уларга қайси жиҳатлар, хусусиятлар этишмаяпти? Осойишталик посбонларининг халқ ўртасида обрў-эътиборини, нуфузини ошириш учун ишларга эътибор қаратиш керак деб ўйлайсиз?

— Бунинг учун ички ишлар идоралари ходимлари билан адабиёт аҳлининг ҳамкорлигини яхшилаш керак. Осойишталик посбонлари эл-юрт тинчлиги йўлида кўп ишларни амалга оширишяпти. Аммо халқ буларнинг аксаридан беҳабар. Фақат бозорда, милиция таянч пунктида ишлаётганларни билишади, хо-

# «ТОҒАМНИ ЙИҒЛАТГАН САВОЛ»

— Тоҳир ака, ҳозирги учрашув чоғида нотиқлик санъатингизга қойил қолиб ўтирдик. Ҳамма ўзвчи ҳам уста нотиқ бўла олмас керак?

— Ўзимни унчалик моҳир нотиқ дея олмайману, раҳматлик Туроб Тўла, Ҳамид Гулом, Озод Шарафиддинов, Лазиз Қаюмовларнинг нотиқлик санъатига кўпчилик тан беришарди. Ўқувчилик давримда Қуддус Муҳаммадий ташкил этган адабиёт тўғрага қатнардим. Устозимиз доимо мактабларга учрашувга бизларни ҳам эргаштириб борардилар, кўпчилик олдида бизга сўз берардилар, шеър ўқитардилар. Ҳар ҳолда ўша учрашувларнинг фойдаси бўлган деб ўйлайман.

Устозимдан яна бир одатни ўрганганманки, биттагина синф билан учрашувга таклиф этишса ҳам бораман. Сабаби, унга келганлардан бирортасининг қалбида адабиётга меҳр уйғонса, ёмон йўлдан қайтса ҳам яхши-ку.

— Сизни фантастика, детектив жанрларида асар ўзвчи ижодкор сифатида яхши билардик. Сўнгги пайтларда диний мавзуда ҳам қалам тебратяписиз. Бунинг сабаби борми?

— Динни кўпчилик юртдошларимиз яхши тушунишмайди, фақат намоз ўқиб, жаннатдан жой сўрашдан иборат деб билишади. Ваҳоланки, дин бекиёс тарбия воситасидир. Куръони Карим оятлари ҳам, Ҳадиси шарифлар ҳам ибратга, ҳикматга тўла. Уларни чуқур билган киши ўз ахлоқини камолга етказишдан ҳеч қачон тўхтамайди.

Аллоҳ таоло зулм қилишни ўзига ҳаром билиб, бандаларини ҳам бир-бирларига зулм қилишдан қайтарган экан. Зулм фақат бировни ноҳақ ўлдириш, жонини қийнашга эмас. Унинг дилига озор бериш ҳам зулmdir. Хуллас, диний таълимотни чуқур ўрганганим сари, унинг моҳиятини одамларга тўғри етказишга тобора кучлироқ эҳтиёж сездим.

Одоб-ахлоқ мавзусида «Одамийлик мулки» номли 4 китоб-

дан иборат асар ёзиб тугатдим. Яқинда биринчи китоб нашрдан чиқиб қолади. Асарни ёзишга тайёргарлик кўриш жараёнида 66 та дафтар тутибман. Уларнинг ҳар қайсиси битта хулққа бағишланган. Масалан, биринчисида ота-онага ҳурмат, иккин-

дими бўлади. Шунинг учун асарда ички ишлар идораларида ҳақиқатни юзага чиқариш, адолат билан иш юритиш мавзулари ҳам қаламга олинади. Худо хоҳласа, бу асар ҳам китобхоналар қўлига тегиб қолади.

— Мана, узоқ йиллардан буён



чисида сабр-қаноатга оид фикр-мулоҳазалар, воқеалар ўрин олган. Китобларда Куръон оятларидан, Ҳадиси шарифлардан тарбиявий мақсадларда фойдаланганман. Дейлик дўстга садоқат, хиёнат мавзусида ҳам қатор оятлар, ҳадислар бор. Кўплар буни билишмайди.

Ёки қариндош-уруғлар орасидаги муносабатларни олайлик. Ҳозир қавм-қариндошларидан хабар олмайдиганлар, юзқўрмас бўлиб кетган ака-укалар учраб туради. Ваҳоланки, пайғамбаримиз бундайларни бизданмас деганлар. Демак, киши беш вақт намозини бекаму кўст адо этса ҳам, қариндошлик ришталарини бесабаб узар экан, унинг номаи аъмолига гуноҳ ёзилаверади. Ундайларга жаннатдан жой топилмайди. Кўпчилик буни ҳам билмайди.

— Сир бўлмаса, яна бирор янги асар устида ишляясизми?

— «Иблис девори» номли қисса устида ишляяман. Яқин кунларда яқунланади. Унда ота-она вафотидан сўнг ака-уканинг ўзаро муносабати ҳақида ҳикоя қилинади. Ака ички ишлар хо-

республика ИИВ Академиясида тингловчиларга сабоқ бериб келаясиз. Педагогик фаолиятингизнинг ижодингизга қандай таъсири бўлди?

— Ушбу илм даргоҳида ўн йилдан буён ишлаб келаямман. Ўтган давр ичида ўндан зиёд китоб ёздим. Шунинг ўзи ҳам саволнингизга жавоб бўлади деб ўйлайман. Академия раҳбарияти бадий ижод билан шуғулланишим учун қулай шарт-шароит яратиб беришди. Бундан ташқари бу ерда фаолият кўрсатадиган олимлар, домларар китобларим юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб туришади. Бу ҳам ижодимга ижобий таъсир кўрсатади.

«Жиноятнинг узун йўли» номли илмий рисола чоп эттирдим. Унда жиноят кўчасига кирган ўсмирларнинг руҳий олами таҳлил қилинган. Бу ҳам илмий-педагогик фаолиятим маъсули деб биламан. Академияда ишлаш кишига қандайдир руҳий қувват бахш этади. Баъзан ишга отланганимда тобим қочиб турган бўлади. Ушбу муаззам билим даргоҳининг остонасидан ҳатлаб

лимиз қовушмаса, уни ўзбекчага мослаб талаффуз қилишимиз мумкин. Масалан, турк ва араб тилларида «полиция» сўзи «полис» шаклида қабул қилинган. Руслар ҳам «Тошкент»ни «Ташкент» дейишади-ку. Биз ҳам «Алмати»мас «Олма-ота», «Ашга-



лос. Телевидениеда намоиш этилаётган лавқалар, фильмлар талабга жавоб бермайди. Ходимларнинг ўй-ташвиши, оилавий муаммолари, руҳий олами акс этган тўлақонли, ҳаётий образларини яратиш ижодкорларимиз олдидаги долзарб вазифадир. Ана шундай асарларгина халқ қалбига кириб боради.

Назаримда, ички ишлар идоралари баъзи хизматлар фаолиятида илмий таҳлил этишмаётгандек. Жиноятчиликнинг илдизига етиб бориш керак. Шох-бутоғини кесиб ташлаган билан кўзланган натижага етиб бўлмайди. Диний-экстремистик оқимларга қарши курашда ҳам ходимларнинг билими саёзлиги сезилиб қолаяпти. Улар детектив асарлар, айниқса, жаҳон детективи намуналарини мутолаа қилиб турсалар, касб маҳоратларининг ошишига ёрдам беради.

Аммо жиноятчиликка қарши курашни фақат ички ишлар ходимларига юклаб қўйиш тўғри эмас. Тоғам раҳматли Мирзакалон Исмоилий болалар ахлоқ-одоби ҳақида асар ёзмокчи бўлдилар. Материал йиғиш учун тарбия колониясига бордилар. Келганларидан сўнг таассуротларини сўраганимда уруш қийинчиликларини кўрган кап-катта одам йиғлаб юборгани эсимда. «Бу болалар ўқиши, ўйнаб-қулиши керак эди-ку! Нега бундай йўлга кириб кетишди? Нега бунга йўл қўйдик?» деган эдилар изтироб билан. Биз ҳам жиноятчиликка дуч келганимизда ҳаминша ўзимизга шу саволни беришимиз зарур. Чунки жиноятнинг илдизларини жамиятдан, муҳитдан қидириш лозим.

— Тоҳир ака, қимматли вақтингизни аямай таҳририятимизга таширф буюрганингиз учун минг раҳмат. Руза айёмларингиз муборак бўлсин. Ижодингизга барака, ўзингизга соғлиқ-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик тилаймиз.

Суҳбатни Бобомурод ТОШЕВ ёзиб олди.

KUNLARDAN BIR KUN...

Bahodir bolaligidan rasm chizishga qiziqadi. Tasviriy san'at darsi uning jonu dili. Gohida nima uchun bu dars haftada atigi bir martagina bo'ladi, deb ranjib ham qo'yadi. Boshqa darslarga qiziqmaydi. Uyga berilgan vazifalarni chala-chulpa tayyorlab keladi. Uning baholari pasayib borayotganini ko'rgan sinf rahbari tanbeh berdi. Lekin Bahodir bir-ikki hafta boshqa darslarni yaxshi o'zlashtirib yurdi-da, yana rasm chizishga berildi.

Sinf rahbari uning o'zi bilan gaplashish natija bermaganini ko'rib, ota-onasiga uchrashmoqchi bo'ldi. Mashg'ulotlar tugagandan keyin Bahodirni oldiga chaqirib:

- Ertaga ota-onangni maktabga aytib kel, - dedi.

Maktabga taklif etilayotganini eshitgan ota-onasi avvaliga xavotir olib Bahodirni so'roqqa tutishdi.

- Nojo'ya ish qilib qo'ydingmi? - so'radi onasi.

- Yo'q hech narsa qilmadim, - dedi Bahodir boshini egib.

- Bolalar bilan mushtlashgandirsan-da, - dedi otasi jaxl bilan.

- Yo'q dada, bolalar bilan mushtlashmadim, - dedi Bahodir ko'zlarini javdiratib.

- Nega bo'lmasa sinf rahba-

ring bizni chaqirtirdi? - so'radi otasi.

Bahodirning o'zi nima uchun sinf rahbari chaqirtirganini bi-

o'ndan ortiq rasmlarni olib keldi. Dadasi ularni ko'zdan kechirarkan yugurib ketayotgan ot rasmini o'g'liga ko'rsatib dedi:

- Ot yugurib ketayotganda uning quloqlari qanaqa bo'ladi? - deb so'radi.

Bahodir indamadi. - Buning uchun zoologiyani bilish kerak, - dedi dadasi.

- Olmaning gullari qaysi rangda bo'ladi? - so'radi boshqa rasmni ko'rsatib.

Bahodir nimadir deb g'udranib aniq javob berolmadi.

- Buni bilish uchun botanikani o'qish kerak, - dedi ota.

Otasi yana boshqa rasmlarni ko'rsatib savol berdi. Bahodir javob berolmadi. Shunda otasi

- Hayotda hamma fan kerak bo'ladi. Rassom ham ulardan xabardor bo'lishi kerak, ana shunda rasmdagi tasvirlar nuqsansiz bo'ladi, - dedi.

Bahodir ertasiga sinf rahbariga borib ota-onasi bilan bo'lgan suhbatni aytib, hamma fanlarni yaxshi o'zlashtirishga va'da berdi.

Sadriddin ABDULLAYEV.

HAYOTDA HAMMA FAN KERAK


lardi. Shuning uchun ota-onasiga taskin berish uchun ochig'ini aytib berdi.

- Gap bu yoqda degin, - dedi otasi.

- Dada, men rassom bo'laman, boshqa fanlarga qiziqmayman, - dedi Bahodir.

- Bilasizku, rasm chizishni juda yaxshi ko'raman.

Dadasi biroz jimib turdi-da unga chizgan rasmlarini ko'rsatishni so'radi. Bahodir



XANDALAR

- Salimjon, nega qo'lingga ikkita shokolad ushlab olding? - so'radi onasi.

- Nima qilay qo'linga ortiqcha sig'masa, - dedi Salimjon stoldagi shokoladlarga qarab.




- G'anijon pishgan olmalarni qachon tergan ma'qul? - so'radi o'qituvchi. - Bog'bon yo'qligida-da, - dedi shaddod G'anijon.

Word search puzzle grid with clues and a drawing of a sun and cloud.


Qadrli bolalar! Quyidagi boshqotirmaning «O'lkamizni bilasizmi?» deb nomladik. Savollarga javob topishda o'zak so'zdan foydalaning.

Crossword puzzle grid with the word OZBEKISTON in the center.

- O'TGAN SONDA BERILGAN BOSHQOTIRMA JAVOBLARI
1. Andijon. 2. Norin. 3. No'xot. 4. Tovuq. 5. Qovun. 6. Nok. 7. Karam. 8. Mushuk. 9. Ko'pkari. 10. Iqbol. 11. Laylak. 12. Kamolot. 13. Tandir. 14. Rayxon. 15. Navoiy. 16. Yaylov. 17. Voleybol. 18. Lola. 19. Anhor. 20. Ravish. 21. Shuhrat. 22. To'ti.



Rasmlardagi o'nta farqni toping



Серкирра ижодкор Алп ЖАМОЛ ҳозирда орамизда йўқ. Аммо унинг унда ортиқ драматик асарлари, кўплаб телевидион пьесалари, 300 га яқин миниатюралари халқимизга мерос бўлиб қолди.

Республикамиз телевидениесида миниатюра жанрининг шаклланиши, тараққий этиши шубҳасиз Алп Жамол номи билан чамбарчас боғлиқ. У телевидениеда фақат телеминиатюралар билангина эмас, балки «Оталар сўзи - ақлинг кўзи» кўрсатувининг асосий ижодкорларидан, унинг фаол муаллифларидан бири бўлиб танилди. Бу кўрсатувнинг 60 га яқин сценарийси ижодкор қаламига мансубдир.

Алп Жамол драматургия соҳасида ҳам баракали қалам тебратди. Унинг «Тош-тешар», «Меҳрибонлар», «Жафога-вафо», «Туйдаги тутун», «Бевафо экан», «Жаноби инсон», «Тўлиной» (Ғани Жаҳонгиров билан биргаликда) сингари турли жанрдаги 12 та пьесаси пойтахт ва вилоятлар театрларида бир неча йил саҳнадан тушмай келди.

Ижодкорнинг ўзбек телевидениеси ва драматургияси ривожланишига қўшган ҳиссаси республика ҳукумати ва халқимиз томонидан муносиб тақдирланди. Ҳозирда шаҳримиздаги катта кўчалардан бири, маҳалла, дўконлар ва фирмаларга Алп Жамол номи берилган. Унинг асарлари ихлосмандлар томонидан севиб мутолаа қилинапти, миниатюралари эса намойиш этилаяпти.

Кўйида муаллифнинг танланган асаридан ўрин олган ҳажвиясини эътиборингизга ҳавола этаймиз.

Ҳа... хомкалла, хомкалагинам. Мунча хомлик қилмасанг. Ўн тўртта қовурғаси синмаган

ўн сўмлик эди-я, ўн сўмлик. Хотиним айтди: “Ҳов эр, маош олдим, деяписиз, тўйга чиқсан-

гиз, пулни ташлаб кетинг. У ерда отарчи, ҳаводар деган гаплар бўлади”, — деб.

— Сен мени нима деяпсан, яллагича пул қистиармидим. Биласан-ку, доим ўшандақаларни танқид қилиб юраман. Эркак одамнинг ёнида пул турса, бели бақувват бўлади, дедим. Ясаниб-тусаниб тўйга чиқдим. Ҳовлининг

юборса бўладими. Оббо бетамиз, лаоқал икки марта олинг демеди-я, кўзим жавдираб хуноб бўлиб ўтирдим. Қарасам, куймайдиган, куйсангиз, куйинг, лўйники табаррук, биз ҳам шундай тўй қилайлик, деган эдим. Косагул жилмайиб,

нозанин ялла айтиб ўйнапти. Чаккаси тўла пул. Кайф қурсин, нима қилиб ўртага тушиб қолганимни билмайман. Раққосалар ишвакор муқомини менга қаратди. Кўлимдаги ўнталиклар бирин-кетин раққосалар чаккасига ўта бошлади.

Атрофдан “балли бек, сиз ҳам тўй кўринг” деган овозлар янгради. Унга сари ҳимматим жўшқинлашиб, бор ўнталикни зум ўтмай тинчитиб, муздаккина бўлиб, бўшашиб, жойимга келиб ўтирдим. Бўлар иш бўлди. Ачиниб бефойда. Нима қилай, ноилож кўзимни коньякка тикдим. “Ҳа, баттол, сен коньяк эмас, ҳамённинг калити экансан, сени ичмаганимда ўн тўртта азамат белимда турган бўларди. Энди аламмимни сендан оламан” дедим-у, Косагул ҳам қарамай, уст-устига қуйиб, обдон тўйиб ичдим. Шундан сўнг, нима бўлди-нима қўйди — менга қоронғу. Катта ўғлимнинг гапига қараганда, мени қидиришиб, анҳор ёқасидаги жардан топишибди.

Э... хомкалла. Вой белим...

Алп ЖАМОЛ

# ВОЙ БЕЛИМ

тўрт чеккасида тўрт тўп хонандаю, созанда. Дастурхон башанг. Ичимликнинг ҳамма туридан бор. Шампан деганинг ҳиндининг куёвидек, зар қалпоқ кийиб ўтирибди. Коньяк қурмагурнинг бетлари товланиб, уялган қизнинг юзидек лов-лов ёнади.

Маҳалламизда чалароқ шоир бор эди, ўша косагуллик қилди. Унинг узундан-узоқ зардобдек суюқ шеърий табригидан сўнг шампанлар бирин-кетин зар қалпоқларини очиб, тўйнинг очилганидан дарак бердилар. Косагул починига менга узатиб қолди. Одамийлик қилиб, “раҳмат, мен ичмайман” десам “май” майли борга, зўрлаш йўқ, деб бошқа ёққа буриб

“гап бундоқ бўлибди-да, қўшни, энди бизга етиб олинг”, деб битта жонон пиёлани лимлим тўлдириб: **Ичимликлар номдори беш юлдузли паҳлавон,**



**Кўтарганга балли деймиз, дард қўрмасин ҳеч қачон,** — дея байт айтиб узатди.

Раҳмат билдириб олдим, “қулт-қулт” ютиб юбордим. Шундан кейин гап гапга уланиб, чақ-чақлашиб кетдик. Бир маҳал қарасам, даврада икки

Word search grid with various words and images. Words include: Харбий унвон, Ериткич, Хорижий, Сифт жинхози, Тулов, Қўшин, Иш мўлжалли, Фин адйби, Накд эмас, Маъжозий асар, ...бол, Фаршита айл, Китоб чоп этиш, Газли пайванд усули, Ҳоттар қурол кўштирочиси, Дори меъ-ври, Эрон шаҳри, Яйртқоч, Вақт бирлиги, Санъат, Бахт, Дўст (китобия), Туйғу, Иш устаси, Жуда, Шаклдош, Рағли металл, Тансиқ таом, Фикр инфодаси, Тик, тўғри, Узбек геолог олимси, Харбий бошлиқ, Хазина, Тарих, Китъа оралиғи тоғи, Самолёт ойнаси, Безак, ... боб, Уёотар қурол, Тўқини ашбси, Инглиз кироли, Мард, танги, Бойлик, Ижодкор, Фотиҳа низоъси, Рақам, Иссик минтақа, Соч анжоми, Ип тури, Газмол, Ярим, Рус олимси, Эстония шаҳри, Мавофа, Ишқорли қўрун модда, Яна тром, Халк, Тўти туғри, Май..., Хона қисми, Фаргоний, Дунб томони, Даст-лабки, Мумтоз ашула хонандаси, Эшик қисми, Рақам, Айланнинг тўртдан бири ...гапч (шаҳар), Испан файла-суфи, Гап бўлағи, Мўйна, Эшак қисми, Сайёра, Расмга олурчи Аждодлар мулки, Хунарманд, Сув йўли, ...нон, Яман маркази, Даст-лабки, Мумтоз ашула хонандаси, ...мос, Кавказдаги пойтахт, Мерос эғаси, Қури-лиш ашбси, Сайёра, Расмга олурчи Аждодлар мулки, Салмоқ, Трансп-порт, Опера қисми, ... По (вднб), Афри-кадаги давлат, От абзали, Сатх ўлчови, Афлаш, Афри-кадаги давлат.

### ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: Дока. Бетоб. Ирис. Мозор. Лор. Акс. Лимит. Ота. Олқиш. Исм. Удум. Нун. Афт. Оҳак. Афанди. Зомин. Мухбир. Ая. Аранг. Ал. Далғов. Кимно. Восита. Охират. Рига. Мур. Нор. Сен. Этил. Янч. Анвар. Фа. Ёрдам. Оксид. Амаки. Архар. Трио. Ари. Тос. Газ. Анод. Уганда. Аросат. Шабада. Романс. Ми. Ливан. Бу. Азамат. Алиби. Орбита. Яман. Уст. Мўл. Сафо. Арз. Ирода. Афв. Бодом. Урф. Гир. Атроф. Крим. Астра. Игна.

БУИИГА: Одер. Теша. Қоида. Акрам. Амлок. Уфология. Авиабаза. До. Ма. Арк. Ан. Оқ. Оро. Ов. Ичимлик. Уд. Амр. Давом. Агама. Алания. Су. Ра. Итузум. Тир. Ини. Бронза. Латифа. Орган. Тапил. Тўқима. Виллят. Инкор. Сабаб. Башанг. Нимага. Ҳис. Гоҳ. Иситма. Ре. Ас. Болари. Улкан. Зарур. Илм. Ит. Қабохат. То. Ван. Си. Об. Нок. Ис. Та. Ҳидоятлов. Хонтахта. Жигар. Афина. Афгон. Дойл. Радар. Дўст.

### ЎРТАДАГИ БОШҚОТИРМА ЖАВОБЛАРИ:

БУИИГА: Асқар. Аҳоли. Сенат. Жасур. Устоз. Юрист. Нотик. Осуда. Акция. Обида. Рояль. АЖРАТИЛГАН КАТАКЛАР ИЧИДА: Конституция.



# Адолатнинг кўзи боғланди

Ўзбекистон терма жамоасининг жаҳон чемпионати ўлганмасини қўлга киритиш учун қилган барча сабъ-ҳаракатлари чиппакка чиқишида мураббий ва ўйинчилар айбдор эмас. Мутахассис ва кенг жамоатчиликнинг фикрлари ўргалиб чиқилгандан кейинги хулоса худди шундай.

3 сентябрь — Тошкентдаги учрашувни ёдга олайлик. Терма жамоамиз ўйинни кўтаринки руҳда бошлади. Ҳисобда олдинга чиқиб олди ва кўп ўтмай пенальти ҳам ишлади. Аммо... нафақат пенальтидан урилган гол, пенальтининг ўзи ҳам бекор қилинди. Ҳакамнинг кейинги хатти-ҳаракатлари фақатгина Баҳрайн фойдасига ишлади. Йошида тажрибали ҳакамлар сарасига кирарди. Унинг бунақанги хатоларга йўл қўйиши мумкин эмасди. Кўриниб турган бу адолатсизликка нима учун йўл

қўйилди деган ҳақли савол туғилади. Мақсад нима эди? Ўзбекистон футбол федерациясининг учрашувни аввалига Ўзбекистон терма жамоаси фойдасига техник натижа билан ҳал қилиш таклифи ФИФА томонидан шу заҳоти рад қилинди. Кейинроқ натижани сақлаб қолган ҳолда ўйинни 39-дақиқадан давом эттириш масаласи ҳам инкор этилди. Аммо кейинги учрашувларга европалик ҳакамларни таклиф этиш бўйича берилган хат эса нима учундир дарров ижобий ҳал бўлди. Яхшилаб

ҳамкасбининг ёнини олди. Яна бир мутахассис: «Локомотив»-«Тироль» учрашувини бошқарган ҳакам ван дер Энде бир ўйинчи-га иккита сариқ карточка кўрсатиб, кейин уни майдондан чиқариб юборишни унутиб қўйганлиги учун учрашув қайта ўтказилганди. Аммо кўп ўтмай ушбу ҳакамнинг лавозими кўтарилиб, УЕФА ҳакамлар кўмитаси аъзосига айланди. Шунинг учун Йошида ҳам кўп хафа бўлавермасин», дея илмоқли гап қилди. Эътибор беринг, европалик мутахассислар қайсидир маънода ФИФАни қўллаб-қувватлапти.

Леннарт Юхансоннинг берган баёноти эса ҳаммасидан ўтиб тушди. «Биз чиқарган қарорга УФФ юборган хатнинг алоқаси йўқ.

ларнинг қўли баланд келар-верса, бунга қарши ҳакам чора топиши зарур. Якунда шундай ҳам бўлиб чиқди. Атайлаб қилинган техник хато баҳонасида Ўзбекистон терма жамоасининг тайёр галабаси тортиб олинди.

Қабул қилинган қарор терма жамоамиз жавоб учрашувини ўтказиш учун Манамага етиб боргандан сўнггина маълум қилинди. Оқибатда узоқ йўл босган футболчиларимиз яна ортга қайтишга мажбур бўлишди. Бу «сценарий»да кўрсатилганидек, руҳий зарбалардан яна биридир.

Ва ниҳоят, ҳакамлар масаласида. Юқорида бизнинг биргина талабимиз — ҳакамларнинг европалик бўлишигина қондирилганини айтиб ўтдик. Бу та-

лаб ФИФАга шунчалик ёқиб тушдики, хатто «сценарий»сига ижобий ўзгариш киритилганидан хурсанд ҳам бўлиб кетди, шекилли. Чунки европалик ҳакамлар ФИФАнинг «йўриғи»га қарши бора олмайдилар... Бунинг исботи ўлароқ, 8 октябрь куни М. Бусакка Баҳрайн терма жамоаси дарвозаси томон белгиланиши керак бўлган пенальтини «кўрмади», 12 октябрь куни Г. Полл аксар ҳолларда фақат Баҳрайн футболчиларини ҳимоя қилавериб «чарчади».

Хуллас, бир сўз билан айтганда, баҳрайнлик нефт корчалонлари пул тикиб турган бир пайтда ФИФА адолатнинг кўзини боғлади ва кўзлаган мақсадига эришди...

диққат қилсангиз, бу қарор ҳам бизнинг фойдамизга бўлмапти.

Яна бир жиҳат. Европалик таниқли ҳакам Урс Майер Тошимичу Йошиданинг тарафини олиб, футбол қондалари япон тилига нотўғри таржима қилинган бўлса керак, дея

Биз ҳакам йўл қўйган техник хато туфайли шу қарорни қабул қилдик». Бундан кўриниб турибдики, бўлиб ўтган воқеалар махсус «сценарий» асосида кечган. Яъни, учрашув албатта Баҳрайн фойдасига ҳал бўлиши керак. Агар ўзбекистонлик футболчи-



## ОЛИЙ ЛИГА

# Бир хил натижалар билан

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионати Олий лигасида 23-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Ушбу турда аксар учрашувлар бир хил натижалар билан якунланди.

Тошкентнинг икки жамоаси — «Пахтакор» ва «Локомотив» учрашувидagi 5:1 ҳисоби «Трактор»-«Сўғдиёна» учрашувида ҳам қайд этилди.

Қашқадарё вилоятининг икки жамоаси ҳам бир хил натижалар галаба-

га эришдилар. «Машъал» ўз майдонида «Бухоро»-ни, «Насаф» эса «Металлург»ни 4:0 ҳисобида мағлуб этишди.

«Навбахор» ўз уйида «Самарқанд-Д» жамоасидан 2:1 натижаси билан устун келган бўлса, худди

шундай ҳисоб «Шўртан»-«Тўпаланг» учрашувида ҳам такрорланди. Фақат бунда меҳмонларнинг қўли баланд келди.

Биргина «Қизилқум»-«Нефтчи» учрашувидагина 1:0 ҳисоби қайд этилди. Фарғоналиклар

яна бир бор мағлубият аламини тотиб кўришди.

Тўпурларлар баҳсида пахтакорчи А. Солиев 24 тўп билан пешқадамлик қилляпти. «Насаф» вакили З. Холмуродов ҳисобида эса 23 тўп бор.

21 октябрь куни 22-турнинг қолдирилган учрашувни бўлиб ўтади. Унда икки пешқадам — «Пахтакор» ва «Машъал» ўзаро беллашадилар.

- 24-тур
- 24 октябрь
- «Бухоро»-«Насаф»
- «Трактор»-«Шўртан»
- «Самарқанд-Д»-«Металлург»
- 25 октябрь
- «Тўпаланг»-«Пахтакор»
- «Нефтчи»-«Навбахор»
- «Локомотив»-«Қизилқум»
- «Сўғдиёна»-«Машъал»

23-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ:						
Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т/Н	О
1. «Пахтакор»	21	17	2	2	66-12	53
2. «Насаф»	23	16	2	5	46-24	50
3. «Машъал»	22	16	1	5	49-22	49
4. «Навбахор»	23	12	2	9	31-25	38
5. «Нефтчи»	23	11	1	11	36-27	34
6. «Трактор»	23	11	1	11	42-42	34
7. «Тўпаланг»	23	10	2	11	32-40	32
8. «Қизилқум»	22	9	4	9	26-36	31
9. «Локомотив»	23	9	2	12	37-42	29
10. «Самарқанд-Д»	23	8	3	12	24-31	27
11. «Металлург»	23	8	2	13	29-43	26
12. «Бухоро»	23	8	1	14	33-53	25
13. «Сўғдиёна»	23	5	4	14	14-47	19
14. Шўртан	23	5	1	17	20-51	16

Япониялик ҳакамларга «кўз» теккан кўрилади. Ҳали Тошкентдаги воқеа унут бўлмай туриб, яна бир япон ҳаками антиқа хунарсиз кўрсатди.

«Касива Рейсол» ва «Виссел Кобе» жамоалари ўртасидаги учрашувни ҳакам Йоситугу Катаяма бошқариб бораётган эди. Учрашув тугашига санокли дақиқалар қолганида «Касива» футболчилари 1:0 ҳисобида галаба қозонишга эришди. Вақтдан

## Буниқилас нима дейди?!

ютиш мақсадида мезбонлар ўйинчи алмаштиришга қарор қилишди. Одатда бунақа пайтда майдонни тарк этаётган футболчи бемалолхўжа бўлиб қолади. Худди чарчаб қолгандек зўрга юради ёки бутсисини тўғрилашга тушади, ишқибозларга миннатдорчилик билдиришни ҳам унутмайди. Ҳакам эса уни тез чиқиб кетишга ун-

дашдан бошқа чора тополмайди.

Ушбу учрашувда ҳам мезбонлар ўйинчиси Рио Кабасия майдонни тарк эта туриб, худди шундай йўл тутди. Ҳакам эса вақтни намойишкорона чўзаётган футболчининг таъзирини бериб қўйиш учун унинг олдига югуриб келди ва ҳеч иккиланмасдан... қизил карточка кўрсатди. Ҳамма ҳай-

рон. Ҳатто Катаяманинг ўзи ҳам нима қилганини билмай қолди, шекилли. Кейинги қарори эса олдингисидан ҳам ўтиб тушди. Яъни, қизил карточка олган ўйинчининг ўрнига захира футболчисини майдонга тушишига руҳсат бериб юборди. Бунақаси ҳали бўлмаган!

Ўйин тугаши билан рақиб жамоа, табиийки, ариза ёзишга киришди.



*Одатдан ташқари бўлган ҳар бир нарса кишида қизиқиш уйғотади. Масалан, ёш масаласи. Инсон минг йиллардан буён умрбоқийлик сирини ечишга, ёшлик электирини топиш, мангу навқирон яшаш тилсимини очишга интилиб келган. Ёшлиги, ғайратини оз бўлса-да сақлаб қолган, ёшига нисбатан анча тетик кўринган одамларнинг ҳаёт тарзи, ҳатто еб-ичишигача қизиқишган, унга тақлид қилишган. Билакс, қаримсиқ кўриниш ҳам ундан кам қизиқтирмаган.*

лим бозорга олиб бориб берар, мен эса сотардим. Шундай қилиб, онамга моддий ёрдам берадиган бўлдик. Баъзан онамнинг юз-кўзларида хавотир, маъюслик учқунларини кўриб ўйга толардим. Балогат ёшига етганимда

олмас, гўё номи айтилса, унинг шарпаси қай биримизгадир ёпишиб қоладигандек, қўрқардилар.

Қани эди бойбадавлат хонадонга келин бўлсангу, соғлигини тиклашга пулини аямаса, деб ният қилардилар доим.

Институтда ўқиб юрган кезларим бадавлат йигитни қидира бошладим. Шундай йигитни учратдим ҳам. Аммо уни ўзимга ром қилиш осон кечмади. Ота-онаси: «Ўз тенгимизга уйлантирамиз. Севги, ишқ деган гапларни тилингга ҳам

ганлари пучга айланди. Даволаш қаёқда «тўйга кетган харажатларни ҳам тўлаб берасанлар» дея жанжал кўтаришди. Аслида улар бир тийини ҳам бекорга сарфламас, унадиган жой чиқса, қишлаб қоладиганлар тоифасидан эди.

Эрим ота-онасининг қаршичилигини енгиб, менга уйландими, демак севади, деб ўйлаганларим бекор экан. Қайнона-қайнотам билан бирга у ҳам мендан қутулиш пайига тушиб қолди. Бу хонадонда ҳеч қачон яшаб кетолмаслигим, бари бир эл бўлмаслигимга кўзим етди. Хатоимни англаб, индамай уйга қайтдим. Ҳеч нарса даъво ҳам қилмадим. Касалманд, фарзанд кўролмайдиган аёлни соғлом, бақувват, мол-дунёси бор эркак бошига урадимиз? Эҳтимол, аввал бошданоқ «ай-бим»ни ошкор этганимда, ҳаммаси бошқача бўлармиди. Хуллас, дабдаба билан ўтган тўй, билдирилган эзгу-тилаклар ярим йил деганда шундай барҳам топди. Онам билан синглим мени қанчалар қўллаб-қувватлашмасин,

# «СИНГЛИМ



# ЯШАШИ КЕРАК...»

Шифохонада даволанаётган Шафоатнинг ёшини билмагунча, у билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди. Билганлар бекорчиликдан бўлса керак, турли миш-мишларни тўқиб-бича бошлашди. Аслида эндигина ўттизти қоралаётган бу аёлнинг қирқ ёшлардай кўриниши чинданам эътиборни тортарди. Айниқса, аёллар бу борада қитмироқ бўлишади. Қизиқиш бошқача, аслини билиш бошқача. Аввало, ғамгин, камгап, одамовироқ бу жувонни гапга тутишнинг ўзи ноқулай, ўринсиз эди. Ахир, ҳар ким ҳам ичидаги дардини бегонага «дастурхон» қилавермайди-ку.

Инсонни касаллик ва ғам қаритади, дейишади. Аммо одамнинг бунга қандай қарашига боғлиқ бўлса керак. Айримлар озгина кўнгилсизлик учун ич-этини еб, куюниб-сиқилаверса, кимлардир парвойифалак.

Кўпни кўрган Омина хола «Одамнинг дардини одам олади, қизим. Ичингга ютаверма, ёшгина жонингга дунёнинг ташвиши тушгандек қайғуда юришинг

яхши эмас. Ҳар қандай иш бўлса, Яратганнинг хоҳиш-иродаси билан бўлади, жон болам. Шукр қилмай, Аллоҳнинг қаҳрини кўзгатиш бандасининг иши эмас», деб уни суҳбатга тортди.

— Биз, икки опасингил отадан эрта ажралдик, — дея бошидан ўтганларни ҳикоя қила бошлади аёл. — Онам ўқитувчи бўлиб, маошларидан бўлак даромадимиз йўқ эди. Оиладаги етишмовчиликларга қарамай биз бир-биримизга жуда меҳрибон, жонкуяр эдик. Уйда фақат тотувлик ҳукм сураар, бизга ҳамманинг

ҳаваси келарди. Мен нозикроқ, озгин, рангпар бўлсам, синглим бақувват, чайир, ўғил болалардек сергайрат эди. Шу боисданми оғир ишларни доимо у бажарарди.

Мен қандолат маҳсулотлари пиширишни ўрганиб олдим. Тайёрланган ширинликларни синг-

хавотирлари кучайди. Негаки, мендаги яширин касалликлар ўзини намоеъ қила бошлаганди. Шифокорлар буйрак етишмаслиги касаллиги ҳақида ташхис қўйишди.

Отамни шу дард олиб кетгани боис, онам зинҳор бу касалликнинг номини тилга

Бу бадавлат йигитга турмушга чиқишим кераклигига ишоралек туюларди. Гарчи шифокорлар турмуш қуришим, айниқса, фарзандли бўлиш ҳаётим учун хатарли дейишларига қарамай, онам баъзи хотинларнинг «турмушга чиқса, ҳамма касали қолиб кетади» деган гапларига ишонарди.

олма» дея уқтиришгани-уқтирган экан. Анча можаролардан сўнг тўйимиз бўлиб ўтди. Бошдан норозилик билан бошланган ишнинг охири бахайр бўлмас экан. Менга фарзанд кўриш бутунлай тақиқланганини билгач, оила аъзоларининг нафрати янада ортди. Онамнинг ўйла-

далда беришмасин ичимга чироқ ёқса ёришмас эди. Тушқунликка тушиб, барча нарсадан қўл силтагандим. Ҳадеб сиқилиб, асабийлашаверганимга касалим хуруж қилиб, аҳволим оғирлашди. Изтироблар гирдобида ўзимни йўқотиб қўйдим...

(Давоми келгуси сонда).  
Муҳаббат ИБРАГИМОВА.

# АХЛОҚСИЗЛИКНИНГ НАРХИ ҚАНЧА?

*Ҳаётда ҳаммиша оқ ва қора ранглар мавжуд. Яхшилик ва ёмонлик, ҳавас ва ҳасад, қадрият ва разолат, садоқат ва хиёнат кабилар ана шу ранглар тимсолидир. Лекин шу нарса ҳам аёнки, бу дунёнинг устуни яхшиликдан, эзгуликдан иборат. Шу боис ҳам йўлимизда дуч келган ёвузлик, қабохату разолатга қарши курашамиз.*

Андижон вилояти ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими ходимлари ҳам жамиятимиздаги жирканч иллатларнинг олдини олиш ва уларга барҳам беришга астойдил ҳаракат қилишяпти. «Орият», «Тозалаш» каби тадбирлар ўтказилаётгани бунинг исботидир.

«Орият» тадбири чоғида Булоқбоши тумани ИИБ ходим-

лари Б. Режабов номли ширкат хўжалигида яшовчи, 74 ёшли отахон Т. Болтавойнинг ёшига номуносиб ҳаракатини фош этишди. У набираларига доно насихатлар бериш ўрнига, ўзи ишлаётган жамоа қоровулхонасида қўшмачилик билан шуғулланаётган экан. Унинг ҳеч қаерда ишламайдиган З. Равшанбек ва У. Азизага шахвоний ҳирсларини қонди-

риш учун шароит яратиб берганлиги аниқланди.

Балиқчи туманилик У. Манзураҳон ҳам уйда фоҳишахона очгани маълум бўлди. Бу борада Жалолқудуқ туманилик М. Назира ҳам ундан қолишмас экан. У миждозлари Ф. Сабина билан К. Носиржонга шароит яратиб бераётганида фош этилди.

Фоҳишахона очиш, қўшмачилик билан шуғулланган қонунбузарларга нисбатан ахлоқ тузатиш чоралари қўлланилди. Юздан ортиқ фуқаро вилоят тери-таносил касалликлари диспансерига назоратдан ўтиш учун юборилган бўлса, ўндан зиёд киши маъмурий жавобгарликка тортилди.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими ходимлари бу каби ҳолатлар юз бермаслиги учун турли тадбирлар асосида иш олиб боришяпти. Айниқса, вилоят ОИТСтга қарши кураш маркази, тери-таносил касалликлари диспансери, «Ўзбекино» Давлат акциядорлик компанияси, «Бўстон» хотин-қизлар нодавлат маркази ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳамкорлиги ижобий натижа бермоқда.

Энди масаланинг иккинчи томонига эътиборни қаратсак. Юқоридаги маълумотларга эътибор берган бўлсангиз, ахлоқсизлар орасида қарияларнинг борлиги ҳайратингизни оширади. Биз одатда тарбияни

кексалардан олаемиз. Аммо ҳаётнинг оқ-қорасини кўрган, катта тажрибага эга инсонлар жирканч иллат орқали пул топаётганларини қандай изоҳлаш мумкин? Қўшмачилик билан шуғулланаётган кимсалар атиги бир, икки минг сўм пул топаётганларидан ахлоқсизликнинг нархи қанча эканлигини билиб олиш мумкин.

Бу ҳаётда ҳар ким экканини ўради. Шундай экан, нопок ишни ўзига муносиб билган айрим юртдошларимиз қилмишлари ҳақида ўйлаб кўришса, фойдадан ҳоли бўлмасди.

Хайрулло ИСМОИЛОВ,  
подполковник.  
Саминжон ҲУСАНЗОДА.





